

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**4-сон**  
**(920)**  
**2020 йил**  
**3 февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

31. «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармони
32. ««Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ–4574-сон қарори
33. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ–4575-сон қарори
34. «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ–4576-сон қарори

35. «Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги ПК-4581-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019, 18-қ/қ-сон «Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214*)
37. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 20 январдаги 1, 2020-1-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-4*)
38. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 09/ЮБ-50-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-3*)
39. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 20 январдаги 2020-02-сон «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968-2*)
40. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 23 декабрдаги 206-мх, 29-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга

қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061-1*)

41. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардиясининг 2019 йил 30 декабрдаги 46, 105, 36, 39, 35-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3215*)
42. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 30 декабрдаги 45, 104, 38-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2914-1*)
43. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 1236-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3216*)
44. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 17 январдаги 1-2020, 2-сон «Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 25 январдан 31 январгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **31 Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчил ва тизимли ислоҳ қилинмоқда ҳамда такомиллаштирилмоқда. Ҳар бир туманда (шаҳарда) Давлат хизматлари марказлари ташкил этилди ва 2019 йил давомида улар томонидан 13 млн.га яқин хизматлар кўрсатилди.

Бугунги кунда айрим ҳудудларда кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 130 тага етди, миқозлар сони эса кунига 300 дан 1,5 минггача одамни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, давлат хизматларидан фойдаланиш учун муурожаат этувчи аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг сони доимий равишда ўсиб бориши мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўрилишини талаб этмоқда.

Аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш давом эттирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5278-сон Фармонида мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) зиммасига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимини Агентликка ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Агентликка Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимини юритиш ва техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уни Юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси билан интеграция қилиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни бепул таъминлаш бўйича қўшимча вазифалар юклатилсин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 февралда эълон қилинган.

4. Қуйидагилар:

2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳрида фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

Давлат хизматлари кўрсатишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун машинада ўқиладиган форматда рақамлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган Давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур Фармоннинг 2-илоvasида кўрсатилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш ҳамда маълумотларни рақамлаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Давлат хизматлари марказлари филиалларини (кейинги ўринларда — Филиаллар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар Филиалларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли, шу жумладан мобиль (сайёр) давлат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишнинг бошланғич кўникмалари бўйича маслаҳатлар бериш;

тегишли ҳудуд аҳолисини кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш.

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Филиалларни маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари биноларида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Белгилансинки:

Филиаллар, зарур ҳолларда, алоҳида, шу жумладан давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида, шунингдек, Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қурилган биноларда жойлаштирилиши мумкин;

Филиалларни ташкил этиш, шу жумладан ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюд-

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, Филиаллар учун алоҳида биноларни мебель, ташкилий техника ва жиҳозлар билан таъминлаш эса маҳаллий бюджетлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликнинг буюртманомалари бўйича Филиалларнинг белгиланган тартибда Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

11. Агентлик тузилмасида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 5 та штат бирлигини ажратган ҳолда Давлат хизматларини рақамлаштириш бошқармаси ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари, Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ архивлари ва Филиаллар учун қўшимча штат birlikларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Агентликка ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

13. Суғурта компанияларига Давлат хизматлари марказлари эгаллаб турган биноларда ва ҳудудларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини тузиш ҳамда мажбурий суғурта қилиш бўйича хизматлар рекламасини жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

14. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи сифатида олинadиган барча маблағлар ҳамда Давлат хизматлари марказлари ва Филиаллар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 20 фоизи миқдоридagi маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божлари ва бошқа тўловлар суммасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУКнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган 1 фоизи миқдоридagi маблағлар 0,5 фоизга камайтиради;

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори ишга қабул қилишда таълимнинг минимал даражаси ва ишчиларга касби бўйича малакавий разрядларни белгилаш қисмида Агентликда қўллаш учун, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга бўлади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Агентлик билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар талаб энг юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган мобиль илованинг тўлиқ шакли жорий этилиши ва кейинчалик тизимли асосда такомиллаштириб борилишини таъминласин;

икки ой муддатда хизматдан фойдаланувчилар томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланмасдан идентификациялашнинг муқобил механизмларини жорий қилган ҳолда Интернет тармоғи орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 апрелга қадар Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган барча давлат хизматларини таҳлил қилсин ва давлат хизматларини кўрсатишдаги идоралараро ва ички идоравий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича чораларни кўрсин;

Давлат хизматлари марказлари ва уларнинг Филиаллари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини, шу жумладан, психология бўйича курслардан ўтган ҳолда ошириш тизимининг доимий асосда такомиллаштирилишини таъминласин;

2020 йил 1 майга қадар Филиалларни маҳалла ёки бир нечта маҳалларнинг эҳтиёжини, шу жумладан улардаги аҳоли сони, Давлат хизматлари марказларидан узоқлигини таҳлил қилиш асосида ташкил этиш бўйича минимал ташкилий-техник талаблар, шунингдек, Филиаллар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматларини аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида (диний муассасалар, аэропортлар, вокзаллар, метро бекатлари, савдо-кўнгилочар комплекслар) ўрнатиладиган интерактив инфокиосклар орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатиш тартибини жорий этсин;

2021 йил 1 январга қадар давлат хизматлари кўрсатишнинг минимал талаблари ва стандартларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижросини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш. Ташходжаев — мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташқил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар ҳақидаги ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқов — Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ижроси бўйича барча зарур чоралар кўрилиши, мазкур Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишида масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Х.С. Турахужаев — маҳаллаларнинг эҳтиёжини, аҳоли сони ва марказлардан узоқлигини инобатга олган ҳолда уларда филиаллар ташқил этилиши ва кейинчалик фаолият юритиши, уларнинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими узлуксиз ишлаши ва доимий такомиллаштириб борилиши, Агентлик тизими учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий стандартлари жорий этилишини таъминласин;

масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари — идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, уларнинг давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиниши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатилиши учун маълумотлар рақамлаштирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, уларнинг давлат хизматларини кўрсатиш тизими билан интеграция қилинишини таъминласин, шунингдек, филиалларни ташқил этиш ва уларнинг самарали фаолият юритишида ёрдам кўрсатсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 31 январь,  
ПФ-5930-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**32 «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб  
чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш  
тўғрисида\***

Инновацион ва юқори сифатли дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фармацевтика соҳаси мутахассисларини халқаро таълим стандартлари асосида ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича тайёрлашни, фармацевтика таълимининг халқаро илмий ҳамжамият тизимига изчил интеграциялашувини таъминлаш ва республикада фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти Қибрай туманида «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини (кейинги ўринларда — Кластер) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Кластер ўз ичига қуйидагиларни ташкил этишни камраб олади:

а) қуйидагилардан иборат ўз инфратузилмасига эга бўлган Фармацевтика техник университети (кейинги ўринларда — Университет):

илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар;

ўқув-илмий лабораториялари ва виварийлар;

фармакопея маркази;

мехмонхонага эга симпозиумлар маркази;

талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой;

спорт-соғломлаштириш мажмуаси, сув ҳавзаси ва стадион;

б) инновацион дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш майдонларидан иборат саноат зонаси (кейинги ўринларда — саноат зонаси).

3. Қуйидагилар:

а) Кластернинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

халқаро тажрибани қўллаган ҳолда инновацион ечимлар (ноу-хау) ва юқори технологияларни жорий этиш орқали республиканинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш;

фармацевтика тармоғида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича халқаро ўқитиш дастурларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш учун ихтисослаштирилган таълим инфратузилмасини яратиш;

халқаро инновацион тизимга интеграциялашиш, замонавий ўқув-лабо-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 январда эълон қилинган.

раториялари ва илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, инновацион инфра-тузилмани яратиш орқали илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш;

инновацион ва юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан хорижий фармацевтика компанияларининг инвестициялари ва илгор технологияларини жалб қилиш;

илмий-таълим ва тадқиқот марказларининг илмий-техник ва инновацион дастурлар, танловлар ҳамда грантларда иштирок этиши учун шарт-шароитларни таъминлаш;

тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали хорижнинг ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда амалий иштирок этишни таъминлаш;

б) Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш, косметология, тармоқ ва бизнесни бошқариш соҳаларида халқаро таълим стандартларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш;

фармацевтика тармоғида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган инновацион ва самарали таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари жорий этиш;

таълим ва фаннинг узлуксизлиги ва узвийлиги, шунингдек, уларнинг жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятга интеграциялашуви ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

фармацевтика таълими, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

фармация, биотехнология, биофармация, фармацевтика тармоғи учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва ишбилармон доиралари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси (EDCF) линиялари бўйича Корея Республикаси Ҳукуматининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш орқали ўз инфратузилмасига эга бўлган Университетни ташкил этиш тўғрисида дастлабки келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 4. Қўйидагилар:

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш концепцияси 1-иловага\* мувофиқ;

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида жойлаштириш таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйидагилар:

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерининг васийлик кенгаши 5-иловага\* мувофиқ таркибда;

Давлат муассасаси шаклидаги «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

6. Қўйидагилар:

а) Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Кластер ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро грантларни жалб қилишда кўмаклашиш;

Кластернинг илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, уни замонавий ўқув-лаборатория ва тажриба-саноат ускуналари билан жиҳозлашга кўмаклашиш;

мазкур қарор билан белгиланган вазифалар Дирекция томонидан бажарилишини мониторинг қилиш;

б) Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор хорижий тажрибани, Кластерни халқаро ҳамжамиятга интеграция қилишни инobatга олган ҳолда уни ривожлантириш, шунингдек, Кластернинг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасида барқарор кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш;

фармацевтика соҳасида биринчи илмий шаҳарчани яратишда таълим, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

қўшма илмий тадқиқотларни амалга оширишда академик, таълим ва тармоқ илм-фани ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Кластер аъзоларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга тегишли гувоҳнома-ларни бериш, Кластер иштирокчиларининг реестрини юритиш;

инвесторлар ва Кластер иштирокчилари ўз зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

---

\* 3 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дирекция томонидан ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ, Агентликнинг қарорига асосан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини Кластер ҳудудида жойлаштириш;

саноат зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши, ишга туширилиши ва Кластер иштирокчилари самарали фаолият юритишини таъминлаш учун уларга зарур инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Кластерни ривожлантиришга хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш;

республика фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда стратегик инвесторларни аниқлаш нуқтаи назаридан Кластер ҳудудида жойлаштириш учун таклиф қилинаётган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертиза қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Белгилансинки,

а) Кластер саноат зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади;

б) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида қарор ушбу лойиҳага илғор технологияларни жалб қилиш, инновацияларни татбиқ этиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлилиги тўғрисида Дирекциянинг ижобий хулосаси олингандан кейин Агентлик томонидан қабул қилинади;

в) Кластер аъзолари ҳамда Дирекцияга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари татбиқ этилади;

г) Дирекциянинг таъминоти, шу жумладан унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, асосий воситаларни сотиб олиш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Агентлик қошидаги Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари;

Дирекция бошқарувидаги ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушган тушумлар;

Дирекция томонидан шартнома асосида кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишдан тушган тушумлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари; қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Агентликка Кластерни ташкил этиш мақсадида Дирекциянинг талабномаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги чора-тадбирларга тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин:

Кластер худудининг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

консалтинг ва инжиниринг хизматларини кўрсатишда иштирок этадиган хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалиёт ўташи бўйича харажатлар;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа бинолар, иншоотлар ва дарахтзорлар бузилиши сабабли, ер участкаси олиб қўйилганда мулкдорларга етказилган зарарни қоплаш.

9. Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Дирекция билан биргаликда ер участкасининг чегараларини белгилаган ҳолда Кластерни жойлаштириш учун ажратиладиган худудларни топографик тасвирга олишни таъминлансин;

Кластер ташкил этиш учун Тошкент вилояти Қибрай туманида кейинчалик кенгайтириш имкониятини инобатга олган ҳолда, умумий майдони 43,75 гектар ер участкаси ажратилишини таъминласин.

10. Кластер қурилиши доирасида Дирекция, истисно тариқасида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган мақсадларда олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўловларини тўлашдан озод қилинсин.

11. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар йили тегишли йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг параметрларини шакллантиришда «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери худудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ва зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирмасдан кўп марталик визалар берилишини ва

узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилинишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги белгиланган тартибда республикага ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, ушбу фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда қўйидаги тартиб ўрнатилсин:

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқов — узоқ муддатли хорижий имтиёзли кредитларни ўз вақтида жалб қилган ҳолда белгиланган муддатларда Кластерни, шу жумладан Университет ва саноат зонасини ташкил этиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилишини, масъул идоралар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини, аниқланган муаммо ва камчиликлар тезкорлик билан бартараф этилишини таъминласин;

Агентлик директори в. б. С.Х. Кариев — Кластерни самарали бошқариш тизимини яратиш, уни шакллантириш жараёнида юзага келадиган кундалик масалаларни ҳал қилиш, саноат зонаси ҳудудида юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш бўйича инновацион қувватларни жойлаштириш, ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, ушбу соҳадаги академик ва илмий-тадқиқот муҳитини ривожлантиришни таъминласин;

Тошкент вилояти ҳокими Р.К. Холматов — ер участкасининг чегараларини аниқласин ва транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини таъминлаган ҳолда уни Кластер ташкил этиш учун ажратсин, Кластер, шу жумладан Университет ва саноат зонаси фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 28 январь,  
ПҚ-4574-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**33** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлан-  
тиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжаллан-  
ган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амал-  
га ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доира-сида 2020 йилда:

1) «озик-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» йўналишида 2020 йил 1 октябрдан бошлаб аҳолини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида интервенцион харидлар тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон учун давлат буюртмаси ҳажмларини босқичма-босқич камайтириш, шу жумладан бошоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмларини жорий этиш;

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат буюртмаси тизимидан давлат захирасидан фойдаланишга ўтиш бўйича механизмни ишлаб чиқиш назарда тутилади;

2) «қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш» йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар 2021 йил ҳосилидан бошлаб бозор конъюнктураси таҳлили ва агротехника тадбирларини ўтказиш харажатларнинг прогноз ҳисоб-китоби асосида пахта-тўқимачилик кластерлари учун фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартномаларнинг шартларини аниқлашда минимал нархларни белгилаш йўли билан пахта хом ашёси нархларини шакллантириш, харид қилиш ва сотишнинг бозор тамойилларига ўтишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3) «соҳада давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш» йўналишида:

а) 2020 йил 1 мартдан пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда банд бўлмаган майдонларда тупроқ-иқлим шароитлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда туманларни босқичма-босқич ихтисослаштириш тизими жорий этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда кредитлаш ва суғурталаш механизми-ни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик устувор йўналишлари ҳамда эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бунда:

кредит тақдим қилишда «омборхона гувоҳномалари», бошқа молиявий воситалар ва ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқидан гаров таъминоти сифатида фойдаланилиши;

қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталашнинг янги турлари жорий этилиши назарда тутилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йил 1 апрелга қадар бошоқли дон ва пахтани қайта ишлаш, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

4) «табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимини такомиллаштириш» йўналишида:

а) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти Қибрай ва Тошкент туманлари, Фарғона вилояти Фарғона ва Олтиариқ туманлари ҳамда Қашқадарё вилояти Китоб ва Нишон туманларида:

жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун шаффоф ва очик танлов ўтказиш орқали ажратиш механизми жорий этилади;

жисмоний ва юридик шахсларга кейинчалик танловга қўйиш бўйича ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда махсус геопортал орқали ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳуқуқи берилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда улардан солиққа тортишда фойдаланиш механизми жорий этилади.

«Давергеодезкадастр» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мўлжалланган захира ерларидан ер участкалари рўйхатини тузиш ва уларни танловга қўйиш;

жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини танлов орқали бериш;

жисмоний ва юридик шахсларга махсус геопортал орқали танловга қўйиладиган ер майдонларини танлаш имкониятини яратиш;

жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишишни электрон шаклда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйишнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқиб, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши ва экологик вазиятнинг ёмонлашувини асосий мезонлардан бири сифатида белгилаган ҳолда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилишнинг шаффоф ва адолатли механизмларини жорий этиш;

5) «бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш» йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг ваколат ва фаолият йўналишлари функционал баҳолаш мезонлари асосида қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2020 йил 1 майга қадар етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув тизимини функционал баҳолаш асосида соҳада давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширсин.

Бунда:

давлат ролини давлат буюртмасини бериш, экинларни жойлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш тизимидан фермер ва деҳқон хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш ва сифатини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва хусусий сектор томонидан кўрсатилмайдиган бошқа мақсадлар учун зарур бўлган давлат хизматларини кўрсатишга йўналтириш;

давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий сектор билан ҳамкорликни кучайтириш;

вертикал ва горизонтал бошқарув тизимини такомиллаштириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича касбий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш назарда тутилсин;

6) «фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш» йўналишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

а) 2020 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-

ги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

б) 2020 йил 1 июлга қадар агросаноат мажмуини ўрта муддатли дастурий молиялаштириш тамойилларига ўтказиш.

Бунда:

тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда агросаноат мажмуига кирувчи вазирликлар ва идоралар бюджетларини комплекс кўриб чиқиш механизмини жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш ва ресурс тежамкор технологияларни қўллаш орқали ирригация соҳаси харажатларини камайтириш ҳисобига илмий-тадқиқот ишларига харажатларни кўпайтириш;

агросаноат мажмуида харажатларни диверсификация қилиш назарда тутилсин;

7) «илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш» йўналишида 2020 йил 1 мартдан бошлаб агросаноат мажмуига кирувчи илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-тажриба муассасаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш шартларига ўтказилади.

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиладиган агросаноат мажмуи таркибига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Агросаноат мажмуи таркибига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилсин;

8) «тармоқ статистикасининг шаффоф механизмини яратиш» йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

хусусий секторни кенг жалб қилиш имкониятларини инобатга олган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида Агросаноат комплексида ягона ахборот дастури (кейинги ўринларда — Ягона дастур) юритилиши учун масъул ташкилот тузиш;

агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идораларни ҳамда ушбу мажмуада фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларни Ягона дастурда ишлаш тартиби;

агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идоралар ахборот тизимларининг Ягона дастур билан интеграциясини таъминлаш назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020 — 2022 йилларда:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини маҳсулотларнинг сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лабораториялар билан жиҳозлаш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини малакали менежер, маркетинг, агроном, иқтисодчи ва бошқа керакли мутахассислар билан таъминлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар маблағларини жалб этишни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда Дастурни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағлари жалб этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш, масъул вазирлик, идора, ташкилотлар ва ҳокимликларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишни таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев — Дастурни амалга ошириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорни ўз вақтида амалга оширишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий кўмак берсин ҳамда ҳар ой Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга унинг бажарилиши бўйича батафсил маълумот киритиб борсин;

в) Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқов — Дастурни 2020 йилда амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, жумладан

салоҳиятли хорижий инвесторларнинг маблағлари жалб этилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосарлари: Ш.Ж. Тешаев — бошоқли доннинг давлат харидларини босқичма-босқич бекор қилиш ҳамда пахта хом ашёси нархларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш бўйича ишларни тайёрлашни таъминласин;

С.С. Ходжаев — қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини кредитлаш ва суғурталаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда агросаноат мажмуини молиялаштиришни ўрта муддатли дастурий молиялаштириш тамойилларига ўтказиш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқиш тадбирларини амалга оширсин;

Б.М. Холиқов — агросаноат мажмуи таркибига кирувчи, жумладан базавий бюджет молиялаштиришига ўтказилаётган илмий-тадқиқот муассасалари ишини сифатли ташкил этиш, амалга оширилаётган илмий-техник дастурлар ва тадқиқотлар натижаларини қишлоқ хўжалигида амалий қўллашни таъминласин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари — жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини шаффоф ва очиқ танловлар ўтказиш орқали ажратиш бўйича жорий этилаётган тартибга сўзсиз риоя қилиш, бошоқли доннинг давлат харидларидан босқичма-босқич воз кечиш бўйича тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 28 январь,  
ПҚ-4575-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**34 Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмасининг Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашини (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда Республика кенгаши таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини ҳамда чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилинишини ташкил этиш ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш; чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан, янги қувватларни ишга тушириш ва маҳсулотлар турларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик бўйича, шу жумладан чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорда кафиллик тақдим этиш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эквиваленти 20 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизигача, лекин 4 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 — 2022 йилларда:

а) чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан соғиб олинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 1 миллион сўм миқдорда;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорда;

б) «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун 1 миллион сўм миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган 1 дона наслдор

она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган харажатларининг 50 фоизи миқдорида;

в) «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 9 минг сўмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

4. 2020 йилда сотиб олинган наслдор:

а) қорамоллар учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси: республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олиш учун 10 миллиард сўм миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилиш учун 40 миллиард сўм миқдорида;

б) қўй ва эчкиларни импорт қилиш учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси 6 миллиард сўм миқдорида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига субсидия бериш харажатларини 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланишини таъминласин ва 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини ишлаб чиқиш учун мустақил консалтинг компанияларини ўрнатилган тартибда жалб қилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқсин ва 2020 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кўриб чиқиш учун киритсин.

Бунда, мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин;

б) Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Паррандасаноат» уюшмаси билан биргаликда ўн беш кун муддатда мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартибларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, субсидия бериш «Ўзбекчорванасл» агентлиги томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига асосланган ҳолда 2020 йил 1 июлга қадар 2021-2022 йилларда республикада фаолият юритаётган наслчилик хўжаликлари томонидан сотиладиган ва импорт қилинадиган наслдор қорамоллар, қўй ва эчкилар ҳамда жўжалар

сонидан келиб чиқиб, ажратилиши керак бўлган субсидия ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Молия вазирлигига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга Осиё тараққиёт банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун 150,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сунъий сув ҳавзаларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ушбу майдонларга ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш бўйича асосланган таклифларини Молия вазирлигига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги киритилган таклифлар асосида ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллашни 2021 йил бюджети лойиҳасини тайёрлашда инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар балиқ етиштирувчи хўжаликларга бириктирилган сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг кадастр ҳужжатларини «Ўздаверлойиҳа» институти билан ўзаро шартнома асосида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) 2020 йилда яйловлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонида назарда тутилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан озуқабоп экинларни етиштиришни йўлга қўйиш учун чорвачилик хўжаликларига ажратиб берилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда пахта-тўқимачилик клас-терлари ва пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин майдонининг 10 фоизига беда экилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу топшириқ ижроси юзасидан Республика кенгашига 2020 йил 1 майга қадар ахборот киритсин.

12. Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан чорвачилик, шу жумладан

паррандачилик хўжаликларига озуқабоп экинлар экиш учун чорва моллари ва парранда бош сонига мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини доимий равишда назорат қилиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда жойларда сут соғувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва «Паррандасаноат» уюшмаси билан биргаликда паррандаларнинг юқори маҳсулдор зотлари ва кроссларини урчитиш билан шуғулланувчи гўшт йўналишидаги II тартибли репродуктор наслчилик паррандачилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва «Uzbekistan Airways» АЖнинг 2022 йил 1 январга қадар «Паррандасаноат» уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда озуқа экин майдонларидан келиб чиққан ҳолда 2020 — 2022 йиллар учун озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига ўқув-тажриба участкаси учун Янгийўл тумани ҳудудидан 30 гектар;

бир ой муддатда «Ўзбекчорванасл» агентлиги ҳузуридаги «Ўзнаслчилик» давлат корхонасидаги наслдор буқаларни озиқлантириш учун озуқабоп экинлар экишга Қибрай, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари ҳудудидан 80 гектар суғориладиган ер майдони ажратилишини таъминласин.

17. «Паррандасаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларда бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4005-сон қарори 5-бандида белгилан-

ган компенсация бериш тартиби лизинг ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Мазкур қарор ижроси юзасидан қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров — мазкур қарорда белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов — чорва хўжаликларига ер майдонларини ажратишни таъминласин, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин, ҳар ойда уларнинг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов — чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ҳамда ажратилаётган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминласин, чорвачилик хўжаликларига маҳсулдорликни оширишга қўмаклашсин, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — чорвачиликнинг барча тармоқлари, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишида лойиҳаларни амалга оширадиган ташаббускорларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида ер майдонларини ўз вақтида ажратсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 29 январь,  
ПҚ-4576-сон

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**35** **Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълими билан кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

2018-2019 йилларда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларидан эквиваленти 200,0 млн АҚШ доллари миқдоридagi кредитлар жалб қилинганлиги;

мазкур кредитлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва хусусий шериклар ўртасида 140,1 минг ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имзоланган 1 412 та давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлардан (кейинги ўринларда — битимлар) 992 таси бўйича имтиёзли кредитлар молиялаштирилганлиги;

420 та битимларнинг 100 дан ортиғи бўйича хусусий шериклар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш (кейинги ўринларда — мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш) ишлари ҳажми 25 ва ундан ортиқ фоизи бажарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш дастурини давом эттириш мақсадида белгиланган тартибда тузилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун тижорат банкларига қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

## 3. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 декабрга қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари 25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган 182 млрд сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида 2020 йил 1 мартга қадар ажратилади. Бунда, кредитлар 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича берилади;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 январда эълон қилинган.

б) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда тузилган 300 дан ортик битимлар бўйича кредитлар:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг маъмурий марказлари ҳамда 1-иловада\* келтирилган вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоиз ставка бўйича;

туманларнинг маъмурий марказларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 8 фоиз ставка бўйича;

туманларнинг бошқа ҳудудларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставка бўйича берилади;

2020 йилда халқаро молия институтларидан ушбу мақсадлар учун жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молиялаштирилади;

в) 2021 йил ва келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар:

тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида берилади;

халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар), шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда имзоланиб, молиялаштирилмаган ҳамда келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар ушбу битимларда назарда тутилган хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, тижорат банклари томонидан молиялаштирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки мазкур қарорнинг:

3-банди «а» кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган фоизлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкида тўлиқ қолдирилади;

3-банди «б» кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган фоиз ставкасининг 2 фоизи хизмат кўрсатувчи тижорат банкида қолдирилади, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини (қарзларини) жалб қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асо-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини устувор тартибда Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар, шунингдек, вилоят ва туманларнинг маъмурий марказларида ташкил этилишига эътибор қаратсин;

худудларда мавжуд мактабгача таълим ташкилотларининг қуввати ва камровини ўрганиб чиқсин ҳамда унда яшаётган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда янги ва фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларнинг қўшимча ўринларга бўлган эҳтиёжини аниқласин;

2020 йил ва келгуси йилларда битимларнинг фақатгина халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан махсус очилган шахсий газна ҳисобварағида жамланган маблағлар доирасида тузилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хусусий шерикларга берилган кредитлар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган бюджет субсидиялари мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича доимий мониторингни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3651-сон қарорига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижроси кўйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В. Шин — шаклланган маблағлар доирасида битимларни ўз вақтида тузиш ва амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин, хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашсин, тадбиркорлик субъектлари томонидан битим талабларининг бажарилиши устидан доимий мониторингни йўлга қўйсин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — мактабгача

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим соҳасида хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 январь,  
ПҚ-4581-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**36 Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон «Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги қарор қилади:

1. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Таълим сифатини  
назорат қилиш давлат  
инспекцияси бошлиғи**

**У. ТАШКЕНБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
16-мҳ-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 январда эълон қилинган.

**Мактабгача таълим вазири****А. ШИН**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
16-сон

**Халқ таълими вазири****Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
19-мх-сон

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири****И. МАЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
12-2019-сон

**Инновацион  
ривожланиш вазири****И. АБДУРАХМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 декабрь,  
18-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим  
сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси,  
Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими  
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш  
вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх,  
16, 19-мх, 12-2019 ва 18-қ/қ-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш  
МЕЗОНЛАРИ**

Мазкур мезонлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-  
ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон  
«Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини ат-  
тестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаш-  
тириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ идоравий мансублиги ва ташкилий-  
ҳуқуқий шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг мактаб-  
гача, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессио-

нал, ўрта махсус профессионал, мактабдан ташқари, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат таълим муассасаларини ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини (бундан буён матнда таълим ташкилотлари деб юритилади) аттестациядан ўтказиш мезонларини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Таълим ташкилотларининг аттестацияси кадрлар тайёрлаш даражаси, мазмуни ва сифатини давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари талаблари жисмоний ёки психик (руҳий) ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим ташкилотларига татбиқ қилинмайди.

3. Таълим ташкилотларида аттестация таълим йўналишлари ва мутахассисликлар, ихтисосликлар, касблар ва курслар бўйича ўтказилади ҳамда уларнинг фаолияти аттестациядан ўтказиш мезонлари бўйича баҳоланади.

4. Тизимида давлат таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган аттестациядан ўтказиш жадвали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан тасдиқланади ҳамда ушбу жадвал асосида таълим ташкилотлари аттестациядан ўтказилади.

5. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш учун эксперт комиссиялари (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тузилади.

### **2-боб. Мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

6. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти қуйидаги мезонлар бўйича 500 баллгача баҳоланади:

а) таълим-тарбия жараёнининг давлат талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги бўйича (105 баллгача):

мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнининг ривожланиш соҳаларини интеграциялаштиришни ҳисобга олган ҳолда давлат талаблари ва давлат ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилганлиги (35 балл);

педагог томонидан хавфсиз, ривожлантирувчи ҳамда мотивацион муҳит яратилганлиги (40 балл);

педагог таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишда тарбияланувчилар ҳақидаги маълумотларни инобатга олган ҳолда алоҳида ёндашганлиги (30 балл);

б) тарбияланувчиларнинг ривожланиш даражаси бўйича (55 баллгача): педагог томонидан ҳар бир тарбияланувчининг ривожланиш даражаси ҳамда ютуқларининг мунтазам равишда кузатиб борилганлиги (30 балл);

тарбияланувчиларнинг ривожланиш харитасидаги натижалар билан кузатув кунисидаги натижаларнинг ўзаро муносиблиги (25 балл);

в) раҳбар ва тарбиячи-педагог кадрлар салоҳияти бўйича (140 баллгача): мактабгача таълим ташкилоти бошқарув фаолиятининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилганлиги (25 балл);

мактабгача таълим ташкилоти штат жадвали асосида кадрлар билан таъминланганлиги (25 балл);

мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг лавозими бўйича малака талабларига мослиги (10 балл);

мактабгача таълим ташкилотида ходимларнинг тизимли равишда малака оширганлиги ҳамда касбий маҳоратини ривожлантириб борганлиги (40 балл);

мактабгача таълим ташкилоти фаолияти юзасидан йиллик ички баҳолашнинг ўтказиб борилиши (40 балл);

г) моддий-техник базанинг ҳолати ва тарбияланувчилар ривожланиши учун яратилган шароитлар бўйича (75 баллгача):

мактабгача таълим ташкилоти биносининг моддий-техник ҳолати, жойлашган ҳудуди ва мебель жиҳозларининг меъёр ва талабларга мослиги (25 балл);

мактабгача таълим ташкилотидаги бино, ҳудуд, иншоотлар ҳамда жиҳозларнинг давлат талабларининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга имкон берувчи таълим муҳитини яратишга қаратилганлиги (30 балл);

миллий, маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан таъминланганлик ҳолати (20 балл);

д) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, эстетик талабларга риоя қилиниши ҳамда овқатлантириш сифати бўйича (65 баллгача):

мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар ҳамда ходимлар соғлигини назорат қилишнинг тизимли равишда йўлга қўйилганлиги (20 балл);

тарбияланувчиларда мустақил равишда ўз-ўзига хизмат ва шахсий гигиенага амал қилиш қўникмаларининг шакллантирилганлиги (25 балл);

овқатлантириш тизимининг мавжуд санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ташкил этилганлиги (20 балл);

е) мактабгача таълим ташкилоти фаолияти юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари бўйича (45 баллгача):

мактабгача таълим ташкилотида ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишлар ҳолати ҳамда ижтимоий сўровномалар натижалари (25 балл);

мактабгача таълим ташкилотида кузатув кенгаши фаолиятининг ташкил этилганлиги (20 балл);

ё) таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш дастурларининг ижроси бўйича (15 баллгача).

7. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти бўйича тўпланган умумий баллар мазкур Мезонларнинг 1-иловасидаги\* методика асосида ҳисоблаб чиқилади.

### **3-боб. Умумий ўрта таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

8. Умумий ўрта таълим ташкилотлари (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) қуйидаги мезонлар бўйича 1500 баллгача баҳоланади:

а) ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги бўйича (100 баллгача):

таълим тури бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мактаб бошқарувига татбиқ этилганлиги (20 балл);

мактабда таълим сифатини ривожлантириш бўйича истиқбол режасининг мавжудлиги ва ижросининг таъминланганлиги (20 балл);

мактаб директори, унинг ўринбосарлари, педагогик кенгаш, кузатув кенгаши ва услубий бирлашмалари режасининг мавжудлиги ва ижроси таъминланганлиги (20 балл);

мактаб фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамкорлик ишларининг (кузатув кенгаши, ота-оналар ҳамда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан) олиб борилганлиги (20 балл);

мактабда сифатли таълим бериш учун қўшимча шароитларнинг яратилганлиги (20 балл);

б) таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги бўйича (100 баллгача):

давлат таълим стандарти, таянч ўқув режалари, ўқув дастурлари ва фан ўқитувчиларининг ишчи таквим-мавзуий режалари ҳамда дарс жадвалининг ўзаро муносиблиги (40 балл);

туғалланган ўқув йилидаги 4, 9 ва 11-синф битирувчиларининг якуний давлат аттестациялари белгиланган муддатларда ўтказилганлиги (30 балл);

дарс жадвалининг мавжудлиги, тасдиқланганлиги ва унда ўқув жараёнининг тўлиқ акс этирилганлиги ҳамда унинг амалиётга татбиқ этилганлиги (30 балл);

в) ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги бўйича (300 баллгача);

г) ўқувчиларнинг дарслик ҳамда методик қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси бўйича (100 баллгача):

ўқувчиларнинг фанлар кесимида дарсликлар билан тўлиқ таъминланганлиги (35 балл);

ўқитувчиларнинг методик қўлланмалар билан таъминланганлиги (5 балл);

мактаб кутубхонасининг бадиий адабиётлар ва электрон ресурслар билан таъминланганлиги (20 балл);

ўқувчилар фойдаланиши учун кутубхонада шароитларнинг яратилганлиги (25 балл);

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўқув-услугий ишларнинг режа асосида олиб борилганлиги ва бу бо-  
рада фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганли-  
ги (15 балл);

д) педагог кадрлар салоҳияти бўйича (200 баллгача):

мактабнинг педагог кадрлар билан тўлиқ таъминланганлиги (50 балл);

мактабнинг салоҳиятли педагог кадрлар билан таъминланганлиги (50 балл);

ўқитувчиларнинг дарс ўтиш жараёни дарс ишланмасидаги технологик  
харитага мос келиши (50 балл);

ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан,  
жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш ҳолати (50 балл);

е) таълим жараёнига замонавий ўқитиш усуллари ва ахборот техноло-  
гияларининг жорий этилганлиги бўйича (100 баллгача):

дарснинг технологик харитаси тузилишида ўқитиш услубларининг ин-  
терактив усуллари ва замонавий ахборот технологияларининг инобатга  
олинганлиги (50 балл);

намунавий ўқув дастури ва ўқув-мавзуий режаларда тавсия этилган  
лаборатория ишларининг ишчи тақвим-мавзуий режаларга киритилганлиги  
ҳамда бажарилган лаборатория ишларининг сони синф журналида қайд  
этилганлиги (50 балл);

ё) моддий-техник таъминоти бўйича (100 баллгача):

мактаб биноси ва ҳудудида ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароит  
яратилганлиги (50 балл);

мактабда ўқув жараёни учун қулайликлар яратилганлиги (50 балл);

ж) маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш сифати бўйича (100 балл-  
гача):

мустақил фикрлайдиган, маънан етук ва жисмонан соғлом баркамол  
авлодни вояга етказишга қаратилган маънавий-маърифий ишлар режасининг  
бажарилганлиги (40 балл);

ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун қўшим-  
ча шароитларнинг яратилганлиги (40 балл);

ўқувчиларнинг кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида эришган нати-  
жалари (20 балл);

з) ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ва уларга кас-  
бий таълим берилишининг сифати бўйича (100 баллгача):

мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларининг олиб борилган-  
лиги (40 балл);

ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини аниқлаш юзасидан сўров-  
нома ўтказилганлиги (30 балл);

технология хоналарининг мавжудлиги ва машғулотларни ўтказиш учун  
шароитларнинг яратилганлиги ва самарали фойдаланилиши (30 балл);

и) халқаро ва республика фан олимпиадаларида иштирок этиш ҳолати  
ва уларда совриндор бўлган ўқувчилар салмоғи бўйича (30 баллгача):

й) рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланилиш сифати бўйича (100 балл-  
гача):

мактабда билим сифати мониторингининг ташкил этилганлиги (30 балл);

ўқувчи ва битирувчиларнинг синфлар кесимида ўқув фанларидан тўплаган рейтинг баллари мониторингининг жорий этилганлиги (30 балл);

ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш сифатининг белгиланган мезон ва меъёрларга мослиги (40 балл);

к) битирувчиларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга кириши ҳолати бўйича (20 баллгача);

л) мактабнинг фаолияти юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари бўйича (150 баллгача).

9. Мактаб фаолияти бўйича тўпланган умумий баллар мазкур Мезонларнинг 2-иловасидаги\* методика асосида ҳисоблаб чиқилади.

#### **4-боб. Ўрта махсус таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

10. Ўрта махсус таълим ташкилотлари (бундан буён матнда академик лицей деб юритилади) қуйидаги мезонлар бўйича 500 баллгача баҳоланади.

а) ташкилий-бошқарув фаолияти самарадорлиги бўйича (30 баллгача): таълим тури бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг академик лицей бошқарувига татбиқ этилганлиги (5 баллгача);

академик лицей фаолияти тўғрисида маълумотлар базаси мавжудлиги ва уларнинг тизимли таҳлил қилинганлиги (3 баллгача);

академик лицей тўғрисидаги статистик маълумотлар таълимни бошқариш ва назорат қилиш органлари ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим этиб борилганлиги (2 баллгача);

академик лицей истиқбол режасининг тегишли олий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги, унда аниқ мақсад ва вазифалар, уларни бажариш муддатлари, масъуллар белгиланганлиги ҳамда ижро мониторингининг юритилганлиги (4 баллгача);

академик лицей директори, ўринбосарлари иш режалари, педагогик кенгаш режасининг мавжудлиги ва уларни академик лицейнинг истиқбол режасига мос равишда ишлаб чиқилганлиги ҳамда ижроси юзасидан ҳисоботларнинг юритилиши (4 баллгача);

академик лицейнинг бошқариш тизимини яхшилаш бўйича педагог ходимлар ҳамда таълим сифати юзасидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровномалар ўтказилганлиги (3 баллгача);

академик лицейда шароитларни яхшилаш учун ҳомийлар маблағларининг жалб этилганлиги (3 баллгача);

бириктирилган ва бошқа олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги, шартномаларнинг тузилганлиги ва уларнинг бажарилганлиги (4 баллгача);

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги (2 баллгача);

б) таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги бўйича (100 баллгача):

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим йўналиши бўйича тасдиқланган таълим стандарти, намунавий ва ишчи ўқув режалар, фанлар бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурларининг мавжудлиги (30 баллгача);

ишчи ўқув режанинг намунавий ўқув режага мувофиқ ишлаб чиқилганлиги (25 баллгача);

фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларининг намунавий ўқув дастурларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги (30 баллгача);

дарс жадвалининг ишчи ўқув режага мувофиқ ишлаб чиқилганлиги (10 баллгача);

ўқув машғулотлар журналларининг юритилиши (5 баллгача);

в) ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги бўйича:

ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун комиссия томонидан аттестациядан ўтказиладиган таълим йўналишида таълим олаётган битирувчи курс ўқувчиларидан умумтаълим ва чуқурлаштирилган фанлар бўйича тест ёки ёзма иш шаклидаги назорат ишлари ўтказилади.

Назорат ишларига ҳар бир таълим йўналиши бўйича битирувчи курс гуруҳларининг камида 30 фоизи жалб этилади. Назорат ишлари ўтказиладиган гуруҳлар Давлат инспекцияси томонидан қуръа ташлаш орқали танлаб олинади. Бошқа тилларда таълим олиб бориладиган гуруҳлардан 2 ёки 3 та гуруҳ танланган ҳолларда улар орасидан битта бошқа тилларда таълим олиб бориладиган гуруҳ танланади.

Назорат ишларида танлаб олинган гуруҳлар ўқувчиларининг 95 фоизи қатнашиши таъминланиши зарур. Танлаб олинган гуруҳлар бошқа гуруҳлар ўқувчилари ҳисобига тўлдирилишига йўл қўйилмайди.

Назорат ишларида узрсиз сабабга кўра қатнашмаган ўқувчиларга «қоникарсиз» баҳо қўйилади ва уларнинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида узрли сабабга кўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.

Умумтаълим ва чуқурлаштирилган фанлардан назорат ишлари она тили ва адабиёти, хорижий тил, математика, тарих, физика, биология, кимё, информатика фанлари орасидан таълим йўналишининг хусусиятига қараб танланади.

Тест саволлари академик лицей битирувчи курс ўқувчилари учун 3 та умумтаълим ва чуқурлаштирилган фанлардан 12 тадан, жами 36 та саволни ташкил этади. Тест саволларини ечиш учун 60 дақиқа, белгиланган жавобларни жавоблар варақасига кўчириш учун қўшимча 10 дақиқа вақт берилади.

Тест шаклида ўтказилган назорат ишлари бўйича ўқувчи томонидан ҳар бир фандан тўпланган балл максимал баллнинг 56 фоизидан кам бўлса «қоникарсиз» баҳо, 56 фоизидан 70 фоизигача бўлса «қоникарли» баҳо, 71 фоизидан 85 фоизигача бўлса «яхши» баҳо, 86 фоизи ва ундан юқори бўлса «аъло» баҳо қўйилади. Натижалар ҳар бир фан бўйича алоҳида ҳисобланади.

Ёзма иш (иншо, баён, диктант) академик лицейда амалда қўлланилаётган баҳолаш мезони бўйича баҳоланади.

Таълим йўналиши бўйича танланган ҳар бир фандан ўтказилган назорат ишларида ижобий баҳоланган ўқувчиларнинг салмоғи 55 фоиздан кам бўлмаслиги лозим;

г) ўқувчиларнинг дарслик ҳамда методик қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси бўйича (60 баллгача):

фанларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги (50 баллгача);

академик лицей ахборот-ресурс марказида (кутубхонасида) зарурий дарслик, бадий адабиёт ва электрон дарсликларнинг мавжудлиги (5 баллгача);

ўқувчиларнинг ахборот-ресурс марказидан (кутубхонадан) фойдаланишлари учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги (5 баллгача);

д) педагог кадрлар салоҳияти бўйича (100 баллгача):

таълим йўналиши ўқув режасидаги барча фанларнинг педагог кадрлар билан таъминланганлиги (10 баллгача);

педагог кадрлар таянч маълумотининг дарс бераётган фанларига мослиги (80 баллгача);

илмий даражага ва тоифага эга, шунингдек ўқув адабиётлари нашр этган раҳбар ва педагоглар салмоғи (4 баллгача);

педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжудлиги ва у асосида моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ташкил этилганлиги (3 баллгача);

педагог кадрларнинг белгиланган муддатларда малакасини оширганлиги (3 баллгача);

е) таълим жараёнига замонавий ўқитиш усуллари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги бўйича (20 баллгача):

ўқув-тарбиявий жараёнига замонавий ўқитиш услублари ва технологияларининг жорий этилиши (7 баллгача);

компьютерлар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш ҳолати (7 баллгача);

таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши (6 баллгача);

ё) моддий-техник таъминоти бўйича (80 баллгача):

ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги (2 баллгача);

физика, кимё ва биология фанлари учун лаборатория хоналарининг мавжудлиги ва жиҳозланиши (реактив моддалар билан таъминланганлиги), лаборатория ишларининг бажарилиши ва методик кўрсатмалар билан таъминланганлиги (70 баллгача);

таълим жараёнини ташкил этиш учун зарурий жиҳозларнинг етарлиги (4 баллгача);

маъмурий ва услубий хоналарнинг ҳолати ва уларнинг мебель ва техник воситалар билан жиҳозланганлиги (2 баллгача);

спорт зали ва майдонларнинг мавжудлиги, спорт инвентарлари билан

таъминланганлиги ҳамда уларнинг амалдаги меъёрий талабларга мослиги (2 баллгача);

ж) маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш сифати бўйича (20 баллгача):

маънавий-маърифий ишлар режасининг мавжудлиги, мазмуни ҳамда унда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши (10 баллгача);

маънавий-маърифий йўналишдаги кўрик-танловларда эришилган натижалар (4 баллгача);

ётоқхонада маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг ташкил этилганлиги (4 баллгача);

ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш самарадорлиги (2 баллгача);

з) ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларининг ва уларга касбий таълим берилишининг сифати бўйича (20 баллгача):

ўқувчилар қабулини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш (селекция) бўйича ишларнинг олиб борилганлиги (15 баллгача);

академик лицей битирувчиларига касбий таълим берилишининг сифати (5 баллгача);

и) халқаро ва республика фан олимпиадаларида иштирок этиш ҳолати ва уларда совриндор бўлган ўқувчилар салмоғи бўйича республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, бадий-ижодий танловлар ва спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар салмоғи ва уларнинг рағбатлантирилганлиги (20 баллгача);

й) рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланилиш сифати бўйича (20 баллгача):

рейтинг баҳолаш тизимининг белгиланган мезон ва меъёрларга асосан амалга оширилиши (15 баллгача);

ўқувчиларнинг гуруҳлар кесимида ўқув фанларидан тўплаган рейтинг баллари мониторинги (5 баллгача);

к) битирувчиларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш ҳолати бўйича (сўнги икки йиллик динамикаси таҳлили асосида) (20 баллгача);

л) академик лицей фаолияти юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари бўйича ўқувчи ва ўқитувчилар учун академик лицейда раҳбарият томонидан яратилган шароит, дарсларнинг ташкил этилиши (сўровнома асосида) (10 баллгача).

11. Академик лицейлар фаолияти бўйича тўпланган умумий баллар мазкур Мезонларнинг 3-иловасидаги\* методика асосида ҳисоблаб чиқилади.

### **5-боб. Мактабдан ташқари таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

12. Муסיқа ва санъат таълими ташкилотлари қуйидаги мезонлар бўйича 1000 баллгача баҳоланади:

а) таълим жараёнига давлат талабларининг жорий этилганлиги бўйича (200 баллгача):

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

йўналишлар ва фанлар бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари ва ўқув соати режалари асосида давлат талабларининг бажарилганлиги (30 балл);

ўқувчиларнинг шахсий иш режалари, ўқитувчиларнинг тақвим ва мавзуий режалари, шунингдек бўлим мудирлари ҳужжатларининг юритилганлиги (30 балл);

ўқувчиларнинг дарс машғулотидаги иштироки (20 балл);

шакллантирилган рўйхат бўйича мусиқа ва санъат таълими ташкилотлари ҳужжатларининг юритилганлиги (50 балл);

мусиқа ва санъат таълими ташкилотлари ўқувчиларининг ушбу таълим ташкилотига қабул қилинишидан битирув синфига қадар узлуксиз таълим олганлиги (30 балл);

мусиқа ва санъат таълими ташкилотларини бошқариш ва сифатли таълим бериш шароитларини яхшилаш бўйича ота-оналар, кузатув кенгаши ва ҳомийлар билан ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганлиги (40 балл);

б) таълим олувчилар билим даражаларининг давлат талабларига мувофиқлиги бўйича (200 баллгача);

в) ўқув-методик ишларнинг олиб борилиши ва ўқувчиларнинг чолғулар, ноталар ҳамда методик қўлланмалар билан таъминланганлиги даражаси (100 баллгача):

мусиқа ва санъат таълими ташкилотларида очик дарслар, маҳорат дарслари, семинарлар, конференция ва бошқа тадбирлар ўтказилганлиги ҳамда уларда педагог ходимлар иштирок этганлиги (35 балл);

ўқитувчилар томонидан таълим бериш жараёнида ўқувчилар билан яқка тартибда иш олиб борилганлиги (30 балл);

ўқитувчилар томонидан дарс машғулотидаги ўтишда интерфаол усуллар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилганлиги (25 балл);

ўқувчиларнинг чолғулар, ноталар ҳамда методик қўлланмалар билан таъминланганлиги (10 балл);

г) маданий-оммавий тадбирларнинг ташкил этилиши ҳолати бўйича (200 баллгача):

маданий-оммавий тадбирларда (концерт, танлов, фестиваль, кўргазма ва олимпиада-викториналарнинг мактаб, туман (шаҳар), республика, халқаро босқичлари) ўқувчиларнинг иштирок этганлиги (110 балл);

бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилганлиги (90 балл);

д) педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва педагог кадрлар салоҳияти бўйича (200 баллгача):

педагог ходимлар таркиби ва малакасининг белгиланган талабларга мувофиқлиги (100 балл);

ўқитувчиларнинг белгиланган муддатларда ўз малакасини оширганлиги (100 балл);

е) моддий-техник таъминоти ва унинг таълим йўналишларига мослиги бўйича (100 баллгача):

таълим ташкилоти биноси ва ҳудудида ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароит яратилганлик ҳолати (50 балл);

ўқув хоналарининг моддий-техник таъминоти (50 балл);

13. Болалар-ўсмирлар спорти таълим ташкилотлари қўйидаги мезонлар бўйича 1000 баллгача баҳоланади:

а) спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув машғулотларининг давлат талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқлиги бўйича (200 баллгача):

таълим ташкилоти машғулот жадваллари ва тренерларнинг иш режаларининг давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги (100 балл); машғулот жараёнига интерфаол усуллар татбиқ қилинганлиги (40 балл); тренерларнинг машғулот жараёнида спортчилар билан яқка тартибда иш олиб борганлиги (60 балл);

б) спорт мусобақаларини ўтказиш календарь режасининг тузилганлиги ва унинг бажарилиши ҳолати бўйича (50 баллгача);

в) педагог кадрлар ва тренерлар билан таъминланганлик даражаси бўйича (200 баллгача):

тренерлар таркиби ва малакасининг белгиланган талабларга мувофиқлиги (125 балл);

тренерларнинг белгиланган муддатларда ўз малакасини оширганлиги (75 балл);

г) спорт турлари бўйича спорт базасининг мавжудлиги, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси бўйича (150 баллгача):

болалар-ўсмирлар спорти таълим ташкилотлари биноси ва ҳудудида ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароит яратилганлик ҳолати (70 балл);

болалар-ўсмирлар спорти таълим ташкилотларининг спорт турлари бўйича инвентарь ва техник жиҳозлар билан таъминланганлиги (30 балл);

спорт турлари бўйича услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси (50 балл);

д) республика ва ҳудудий терма жамоаларнинг асосий ва ўринбосарлар таркибига номзодларни тайёрлаш даражаси бўйича (100 баллгача);

е) спорт таълим ташкилоти терма жамоасининг халқаро, республика ва ҳудудий спорт мусобақаларида эришган натижалари бўйича (100 баллгача);

ё) спорт таълим ташкилотида ташкил этилган спорт тадбирлари таҳлили (30 баллгача):

ташкил этилган спорт тадбирлари сони (15 балл);

ташкил этилган спорт тадбирларида катнашувчилар сони (15 балл);

ж) спорт турлари бўйича ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлик даражаси (20 баллгача);

з) таълим олувчиларни спорт тайёрлов гуруҳининг кейинги босқичларида сақлаб қолиш мониторинги бўйича (100 баллгача):

спорт тайёрлов гуруҳларининг шакллантирилиши ҳолати (60 балл);

таълим ташкилоти спортчиларини спорт тайёрлов гуруҳининг кейинги босқичларида сақлаб қолиш ҳолати (40 балл);

и) ўқувчи-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишнинг ҳолати бўйича (50 баллгача).

14. Бошқа мактабдан ташқари таълим ташкилотлари қўйидаги мезонлар бўйича 400 баллгача баҳоланади:

а) таълим олувчилар билим даражаларининг давлат талабларига мувофиқлиги бўйича (100 баллгача);

б) маданий-оммавий тадбирларнинг самарадорлиги бўйича (100 баллгача): ўтказилган маданий-оммавий тадбирлар (30 балл);

ўтказилган маданий-оммавий тадбирлар орқали эришилган натижалар (70 балл);

в) мактабдан ташқари таълим ташкилотининг таълим соҳасига мос жиҳозланиши ва жиҳозлардан фойдаланиш даражаси бўйича (100 баллгача);

г) педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва педагог кадрлар салоҳияти бўйича (100 баллгача):

педагог кадрлар таркиби ва малакасининг белгиланган талабларга мувофиқлиги (60 балл);

педагог кадрларнинг мунтазам равишда ўз малакасини оширганлиги (40 балл).

15. Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари фаолияти бўйича тўпланган умумий баллар мазкур Мезонларнинг 4-иловасидаги\* методика асосида ҳисоблаб чиқилади.

#### **6-боб. Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

16. Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотлари (бундан буён матнда профессионал таълим ташкилоти деб юритилади) қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) ўқув-тарбиявий жараёнининг давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этилганлиги бўйича:

касб ва мутахассисликларнинг таълим стандарти, ўқув режа, фан ўқув дастурлари билан таъминланганлиги, уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланганлиги;\*

намунавий ўқув режа ва ўқув дастури асосида ишчи ўқув режа ва ўқув дастурларининг ишлаб чиқилганлиги, расмийлаштирилганлиги ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги;\*

фан ўқув дастурларининг иш берувчилар талаблари ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос келиши, уларда касбий фаолиятга тайёрловчи, асосий компетенцияларни ривожлантирувчи, интеллектуал ва касбий кўникмаларни шакллантирувчи таркибий қисмларнинг мавжудлиги;

фан ўқув дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмочилари ва бошқа манфаатдор томонларнинг иштироки ва улар билан келишилганлиги;

фан ўқув дастурларига фан ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, фойдаланиладиган янги ўқув адабиётларининг киритилганлиги;

фан ўқув дастурларида мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлигига риоя қилинганлиги;

таълим сифатини баҳолаш бўйича ички тизимнинг мавжудлиги ва унинг самарадорлиги;

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси (билими) бўйича:

ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун комиссия томонидан аттестациядан ўтказиладиган касб ёки мутахассислик бўйича таълим олаётган битирувчи курс ўқувчиларидан мутахассислик фанларидан олинадиган тест, ёзма иш ва касбий амалий имтиҳон шаклидаги назорат ишлари ўтказилади.\*

Назорат ишларига ҳар бир касб ёки мутахассислик бўйича битирувчи курс гуруҳларининг камида 30 фоизи жалб этилади. Назорат ишлари ўтказиладиган гуруҳлар Давлат инспекцияси томонидан қуръа ташлаш орқали танлаб олинади. Бошқа тилларда таълим олиб бориладиган гуруҳлардан 2 ёки 3 та гуруҳ танланган ҳолларда улар орасидан 1 та бошқа тилларда таълим олиб бориладиган гуруҳ танланади.

Назорат ишларида танлаб олинган гуруҳларда ўқувчиларининг камида 95 фоизининг қатнашиши таъминланиши зарур. Танлаб олинган гуруҳлар бошқа гуруҳлар ўқувчилари ҳисобига тўлдирилишига йўл қўйилмайди.

Назорат ишларида узрсиз сабабга қўра қатнашмаган ўқувчиларга «қоникарсиз» баҳо қўйилади ва уларнинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида узрли сабабларга қўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.

Битирувчи курс ўқувчилари учун 3 та фандан назорат иши ташкил этилади.

Тест шаклида ўтказилган назорат ишлари бўйича ўқувчи томонидан ҳар бир фандан тўпланган балл максимал баллнинг 56 фоизидан кам бўлса «қоникарсиз» баҳо, 56 фоизидан 70 фоизигача бўлса «қоникарли» баҳо, 71 фоизидан 85 фоизигача бўлса «яхши» баҳо, 86 фоизи ва ундан юқори бўлса «аъло» баҳо қўйилади.

Ёзма иш (иншо, баён, диктант), амалий имтиҳонлар таълим ташкилотига амалда қўлланилаётган меъёрлар бўйича баҳоланади.

Таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича танланган ҳар бир фандан ўтказилган назорат ишларида ижобий баҳоланган ўқувчиларнинг салмоғи 55 фоиздан кам бўлмаслиги лозим;

в) педагог, муҳандис-педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг сифат таркиби бўйича:

педагог, муҳандис-педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминланганлиги, педагог кадрлар салоҳияти, раҳбар ва педагог кадрлар лавозим вазифаларининг малака талабларига мувофиқлиги;

касб ёки мутахассислик ўқув режасидаги фанлар ва амалиётлардан назарий ва амалий машғулотларни олиб борувчи педагог, муҳандис-педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминланганлиги;

педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари таянч маълумотининг дарс бераётган фан(лар)ига мослиги;\*

илмий даражага эга бўлган, шунингдек, ўқув адабиётлари нашр этган раҳбар ва педагог-кадрлар салмоғи;

г) ўқув режасидаги фанлар бўйича зарур ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар тўплами, методик қўлланма, электрон дарсликлар) мавжудлиги ҳамда кутубхона ёки ахборот-ресурс маркази фондининг улар билан тўлдирилганлиги бўйича:

фанларнинг ўқув адабиётлар билан таъминланганлиги;

касблар бўйича ўқув режадаги ҳар бир фандан камида битта номда дарслик ёки ўқув қўлланманинг (дарслик ва ўқув қўлланма яратилмаган фандан эса таълим ташкилоти илмий-педагогик кенгаши томонидан тавсия этилган маърузалар тўплами) мавжудлиги;\*

профессионал таълим ташкилоти ахборот-ресурс марказида (кутубхонасида) зарурий дарслик, бадий адабиёт ва электрон дарсликларнинг мавжудлиги;

янги авлод дарсликларининг харид қилинганлиги;

д) ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) ўқитиш тилига мос ҳолда ўқув, методик, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бадий адабиётлар билан бойитилиши бўйича:

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) ўқитиш тилига мос ҳолда дарслик, ўқув қўлланмалар, методик ишланмалар, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бадий адабиётлар билан бойитилишининг сўнгги икки йиллик динамикаси;

маҳаллий ва халқаро ахборот ҳамда маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларининг яратилганлиги;

е) моддий-техник таъминоти ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш ҳолати бўйича:

касб ва мутахассисликлар бўйича назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув, лаборатория ва ўқув амалиёти хоналари, ўқув устахона, ўқув-тажриба хўжаликларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг жиҳозланиши;

таълим жараёнини ташкил этиш учун зарурий жиҳозларнинг етарлилиги;

лаборатория ишларининг бажарилиши ва методик кўрсатмалар билан таъминланганлиги;\*

маъмурий ва услубий хоналарнинг ҳолати ва уларнинг мебель ва техник воситалар билан жиҳозланганлиги;

ошхонанинг жиҳозланиши ҳамда тиббиёт хонасининг зарур жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминланганлиги;

спорт зали ва майдонларнинг мавжудлиги, спорт инвентарлари билан таъминланганлиги ҳамда амалдаги меъерий талабларга мослиги;

профессионал таълим ташкилотининг компьютерлар билан таъминланганлик даражаси;

ё) замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши бўйича:

ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятини берадиган компьютерлар сони ҳамда ушбу тармоқга жойлаштирилган таълим ресурсларининг ҳажми;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб ўтилган дарс машғулоти салмоғи;

ўқувчилар билимини ҳаққоний ва холисона баҳолаш мақсадида фанлардан синов назоратларни ўтказишда компьютерлардан фойдаланиш даражаси;

ж) республика ва халқаро миқёсдаги касбий кўрик-танловлар ғолиблари салмоғи бўйича:

ўқувчиларнинг республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, касбий кўрик-танловлар, бадиий-ижодий танловлар ва спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлар салмоғи;

танлов ғолибларининг рағбатлантирилганлиги;

з) таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси бўйича олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши, ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилган ишлар ҳамда кузатув кенгаши фаолиятининг самарадорлиги;

и) касбга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги, таълим ташкилотига ўқувчилар қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши бўйича:

ўқувчилар қабулини ташкил этиш ва амалга оширишда касб-хунарга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилганлиги;

қабул жараёнининг белгиланган тартибда ҳамда ошкоралик, холислик, шаффофлик принциплари асосида ташкил этилганлиги;

ўқувчилар учун касб-хунарлар ва мутахассисликлар, таълим жараёнини ташкил этилишида яратилган шарт-шароитлар, битирувчиларнинг фаолият йўналишлари ҳақидаги маълумотларнинг таълим ташкилотининг веб-сайтида мавжудлиги;

й) битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириши ҳамда ишга жойлашиши даражаси бўйича:

битирувчиларнинг бандлигини таъминланганлик даражаси, жумладан олий таълим ташкилотларига ўқишга кирганлар салмоғи;

битирувчи курс ўқувчиларининг профессионал таълим ташкилотига таълим сифати тўғрисидаги фикри (сўровнома асосида);

битирувчилар билимининг сифати тўғрисида иш берувчилар фикрининг ўрганиб борилганлиги;

к) маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилганлиги ва уларнинг самараси бўйича:

маънавий-маърифий ишлар режасининг мавжудлиги, мазмуни ҳамда унда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши;

маънавий-маърифий йўналишдаги кўрик-танловларда эришилган натижалар;

ётоқхонада маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг ташкил этилганлиги;

ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш самарадорлиги;

ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишдаги фаолиятнинг тизимли йўлга қўйилганлиги, самарадорлик натижалари, ўқувчи-

ёшлар қамрови (мураббийлар билан ишлаш тартиби, ўтказилган маънавий тадбирлар ва ҳисоботларнинг мавжудлиги);

ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг бир нечта турлари бўйича тўгаракларнинг ташкил қилинганлиги;

л) ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган шароитлар ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантирилиши бўйича:

ўқувчиларнинг ўқиши, мустақил таълим олиши ва дам олишлари учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

ўқитувчиларнинг таълим бериши ва ўз устида ишлаши учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун шароитларнинг яратилганлиги;

овқатланиш, дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун шароитлар яратилганлиги;

ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжудлиги ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ташкил этилганлиги.

#### **7-боб. Олий таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

17. Олий таълим ташкилотлари қўйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги бўйича:

фаолият соҳаларини қамраб олган олий таълим ташкилотининг истиқбол режасининг мавжудлиги, уни амалга ошириш учун чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда истиқбол режанинг олий таълим ташкилоти миссиясига мослиги;

истиқбол режани ишлаб чиқишда кадр истеъмолчилари, олий таълим ташкилоти жамоаси ва талабаларнинг иштироки (ҳиссаси);

истиқбол режада олий таълим ташкилотининг ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва ижтимоий фаолияти нуқтаи назаридан миллий ҳамда халқаро рейтингини оширишга қаратилган вазифаларнинг белгиланганлиги;

истиқбол режанинг олий таълим ташкилоти моддий-техник базаси ва интеллектуал салоҳиятига мувофиқлиги, унинг талаба, ўқитувчи ва ходимларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги;

олий таълим ташкилоти фаолиятини баҳолашнинг SWOT таҳлили (ўзининг кучли ва заиф томонларини, олий таълим ташкилотининг таълим хизматлари бозоридаги имкониятларини ва унинг ривожланишига ташқи хавфларни баҳолаб бориш) мавжудлиги;

олий таълим ташкилоти маъмурияти, профессор-ўқитувчилар, талабалар, васийлик кенгаши, кадр истеъмолчилари, битирувчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг таълим сифатини амалга ошириш (шакллантириш ва таъминлаш) ишларидаги иштироки;

олий таълим ташкилотида коррупциясиз таълим тизимини таъминлаш-

га қаратилган тадбирларнинг самарадорлиги, раҳбариятининг профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун очиқлиги, келиб тушаётган барча мурожаатларга жавоб беришнинг ҳолати;

бошқарув ва ташкилий тузилма фаолиятининг тегишли ҳужжатлар (устав, паспорт, низомлар) билан расмийлаштирилганлиги;

олий таълим ташкилоти кенгаши (коллегиал органи), факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжудлиги;

электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг мавжудлиги;

б) давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши бўйича:

барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг тегишли таълим соҳаси давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа ва фанларнинг ўқув дастурлари билан таъминланганлиги, уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланганлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги;\*

тасдиқланган ўқув режа ва фанларнинг ўқув дастурлари асосида ишчи ўқув режа, фанларнинг ишчи дастурларининг ишлаб чиқилганлиги, расмийлаштирилганлиги ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги;\*

дарс жадвалларининг ишчи ўқув режаларига мувофиқлиги ва уларнинг ўрнатилган талаблар асосида тузилганлиги;\*

олий таълим ташкилоти ўқув жараёни жадвалининг мавжудлиги, ўрнатилган тартибда тасдиқланганлиги, унда ўқув жараёнининг тўлиқ акс этганлиги ва амалиётга татбиқ этилиши;

талабалар билимларини ва ўзлаштиришини баҳолаш тизимининг ҳолати;

талабалар билимларини баҳолашда қўлланиладиган назорат воситаларининг (тестлар, ёзма ишлар саволлари ва бошқалар) фан дастури мазмунини тўлиқ қамраб олганлиги;

таълим сифатини баҳолаш бўйича ички тизимнинг мавжудлиги ва унинг самарадорлиги;

в) талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) бўйича Давлат инспекцияси томонидан ўтказиладиган назорат ишлари натижалари:\*

талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун назорат ишларига бакалаврият таълим йўналишлари битирувчи курс талабаларининг камида 30 фоизи, қолган курслардан (биринчи курслардан ташқари) биттадан гуруҳ ва магистратура мутахассисликлари битирувчи курс талабалари тўлиқ жалб қилинади. Аттестацияга жалб қилинган, аммо битирувчи курс талабалари бўлмаган ўқиш муддати уч йиллик бўлган магистратура мутахассисликларида 2-курс талабаларидан, ўқиш муддати икки йиллик бўлган магистратура мутахассисликларида 1-курс талабаларидан назорат ишлари олинади.

Ўқиш муддати бир йиллик бўлган магистратура мутахассисликлари аттестациядан ўтказилганда, ўқув йилининг биринчи семестрида таҳсил олаётган талабаларнинг билим даражаси, кириш синовларида назорат ўтказилган мутахассислик фанларидан ёки ўқитилаётган фанларнинг ўқитилган

қисмидан, иккинчи семестрда эса ўқитилган (ўқитилаётган) фанлардан назорат ишларини олиш орқали аниқланади.

Назорат ишларига жалб қилинган талабаларнинг камида 95 фоизи қатнашиши шарт. Назорат ишлари ўтказиладиган фанлар қоида тариқасида тугалланган фанлардан курслар кесимида ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши бўйича 3 та, магистратура мутахассислиги бўйича 2 та этиб белгиланади.

Ҳар бир фан бўйича кўп вариантлилиқ асосида тест ёки ёзма иш саволлари, ижодий имтиҳон материаллари фан дастурини ёки унинг тегишли қисмини қамраб олган ҳолда тайёрланади.

Бакалаврият таълим йўналишларида дастлаб курслар кесимида ҳар бир йўналишдан 5 тадан, магистратура мутахассислигидан 3 тадан фан танлаб олинади, назорат ишлари ўтказиладиган фанлар ва гуруҳлар бўйича маълумотлар таълим ташкилотига Давлат инспекцияси томонидан назорат ишлари ўтказилишидан уч иш куни олдин маълум қилинади.

Фанлардан ўтказилган назорат ишлари бўйича талаба томонидан ҳар бир фандан тўпланган балл максимал баллнинг 56 фоизидан кам бўлса «қониқарсиз» баҳо, 56 фоизидан 70 фоизигача бўлса «қониқарли» баҳо, 71 фоизидан 85 фоизигача бўлса «яхши» баҳо, 86 фоизи ва ундан юқори бўлса «аъло» баҳо қўйилади.

Талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) муайян таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигидаги танланган ҳар бир фандан назорат ишларида талабаларнинг ижобий баҳоланганлари салмоғи 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Бакалаврият талабаларига учта мутахассислик фанининг ҳар биридан 15 тадан жами 45 та ва магистратура учун иккита мутахассислик фанининг ҳар биридан 15 тадан жами 30 та тест саволлари берилади.

Тестларни ечиш учун бакалаврият талабаларига умумий 75 дақиқа ва магистратура талабаларига 50 дақиқа вақт ажратилади.

Ҳар бир аудиторияга хона сифими ва компьютерлар сонига қараб тест топширувчилар киритилади;

г) профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти ва улар мутахассисликларининг (ихтисосликларининг) дарс бераётган фанларига мувофиқлиги бўйича:

профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш бўйича аниқ механизмнинг мавжудлиги;

факультет ва кафедраларнинг ўрнатилган талабларга мос равишда ташкил этилганлиги;

факультет деканлари ва кафедра мудирларининг лавозим талабларига мувофиқлиги;

профессор-ўқитувчилар таянч маълумотларининг (мутахассислиги, ихтисослиги) улар дарс берадиган фан(лар)га мувофиқлиги (мос бўлмаган ҳолда уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлиги ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга бўлиши, яқка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма нашр этганлиги (сертификат асосида);\*

профессор-ўқитувчиларнинг эришган ютуқлари (давлат ва тармоқ мукофотлари, фахрий унвонлар, «Йилнинг энг яхши педагоги» республика танлови голиблиги ва бошқалар) кўрсаткичларининг мавжудлиги;

профессор-ўқитувчиларнинг бажарган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари (фундаментал, амалий ва бошқа илмий-тадқиқотлар кесимидаги иштироки, дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик ишланмалар, маҳаллий ва халқаро нашрларда, импакт-факторли (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэтироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналларидаги мақолалари);

кафедралар профессор-ўқитувчиларининг белгиланган муддатларда ма-лакасини оширганлиги;

д) талабаларнинг дарслик (электрон дарслик) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги даражаси, электрон кутубхона тизимининг мавжудлиги, ундан фойдаланиш самарадорлиги ва мустақил таълим бўйича ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги бўйича:

олий таълим ташкилотида электрон автоматлаштирилган ва масофадан фойдаланиш имкониятини берувчи ахборот-ресурс марказининг мавжудлиги;

таълим бериш тиллари бўйича барча таълим йўналишлари, мутахассисликларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги;

талабалар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир фан бўйича ўқитиладиган асосий адабиётларга (дарслик, ўқув қўлланма) бўлган талабнинг (бакалаврият таълим йўналишида ҳар олти нафар талабага камида бир дона, магистратура мутахассислигида ҳар икки нафар талабага камида бир дона дарслик ва ўқув қўлланмани тўғри келиши) бажарилганлиги (ўқув адабиётлари сони белгиланган талабларга мос келмаганда, уларнинг электрон шаклдаги варианты инobatга олинади);\*

таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасининг тахлилий ўрганиб борилганлиги, шунингдек олий таълим ташкилоти кенгашида (коллегиал органида) муҳокама қилинганлиги;

маҳаллий, халқаро ахборот ва маълумотлар базасидан (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэтироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналлари) фойдаланиш имкониятларининг яратилганлиги;

фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш ва янги авлод ўқув адабиётларини яратиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг бажарилиш ҳолати;

е) моддий-техник таъминоти, ўқув лабораторияларининг замонавий асбоб-ускуналар билан ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлиги даражаси бўйича:

олий таълим ташкилотининг умумий майдони, нормадаги (ишчи) майдони, умумий ўқув аудиториялари (синфлар) майдони ва бошқа турдаги фойдали майдонлар (кв.м. ҳисобида), уларнинг меъёр талабларига мослиги;

олий таълим ташкилотида ахборот-коммуникация технологиялари во-ситаларининг мавжудлиги, уларнинг таълим олувчилар сонига мослиги ва янгиланиш даражаси;

талабалар турар жойларининг майдони, яшаш учун мўлжалланган ўринлар сони, вақтинчалик турар жойга мухтож талабалар сони;

жисмоний тарбия дарсларини ўтиш, соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ҳамда жамоанинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитларнинг етарли даражада яратилганлиги;

ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассисликнинг ўқув режасига биноан фанлар бўйича лаборатория ишларининг бажарилиши, тегишли жиҳозлар, реактивлар билан таъминланганлиги, методик кўрсатмаларнинг мавжудлиги;\*

лаборатория ишларининг олий таълим ташкилоти ҳудудидан ташқарида (ишлаб чиқариш корхонаси, ташкилотлар, ўқув-тажриба хўжалиги ва шу кабиларда) бажарилганлиги;

таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, малака талабларида белгиланган амалий малака ва кўникмаларнинг шаклланиши учун керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар, инвентарлар, мусиқа асбоблари, техникалар, хом ашё ва бошқалар билан таъминланганлиги;\*

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) компьютерлар билан таъминланганлиги, заллардаги ўринлар сони, электрон кутубхона тизимининг яратилганлиги, уларга ўқув адабиётларнинг электрон версияларини юкланганлиги, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган компьютерлар сони ва талабаларни компьютер техникасидан эркин фойдаланишига имкон яратилганлиги;

ё) электрон таълимнинг жорий этилишида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши бўйича:

профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтилган дарс машғулотлари салмоғи;

интерфаол педагогик усуллар ёрдамида дарс машғулотларининг олиб борилганлиги ҳамда инновацияларнинг ўқув жараёнига қўлланилганлиги;

ўқув жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун шароитларнинг яратилганлиги;

замонавий компьютерлар ва улардан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганларининг сони, WiFi зоналарининг ташкил этилганлиги, талаба ва педагогларга улардан фойдаланиш бўйича шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

мустақил таълим жараёнини ташкил этиш ҳолати ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган таълим ресурслари ҳажми;

талабалар билимини баҳолашда назорат синовларининг компьютердан фойдаланган ҳолда олиниши таҳлили;

ж) таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси бўйича:

кадрлар тайёрлаш ва илмий-технологик ечимлар яратишда корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланганлик даражаси;

илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакасини бевосита ишлаб чиқаришда оширилиб борилганлиги;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадр истеъмолчилари билан ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганлиги, талаб ва эҳтиёжларининг ўрганилганлиги;

илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлар ходимларининг ўқув жараёнига жалб этилганлиги;

тасарруфидаги академик лицей ва бириктирилган бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганлиги;

з) илмий-тадқиқот фаолияти бўйича:

профессор-ўқитувчиларни фаол илмий изланишлар олиб боришга қизиқтириш ва уларнинг натижадорлиги бўйича рағбатлантириш механизмнинг мавжудлиги;

олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг олий таълим ташкилоти профилига тўғри келиши;

илмий ва илмий-техник фаолият натижаларининг тижоратлаштирилганлиги;

профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги (фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимида) иштироки; илмий, илмий-методик ва амалий конференцияларнинг ўтказилганлиги; олий таълим ташкилотининг халқаро ва республика миқёсидаги танлов ва кўргазмалардаги иштироки;

илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги (илмий тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳолати, фаолият кўрсатаётган илмий кенгашнинг мавжудлиги);

и) маънавий-маърифий фаолияти бўйича:

маънавий-маърифий ишлар режасининг ишлаб чиқилганлиги;

профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларга жалб этилганлиги;

одоб-ахлоқ ва ички-тартиб қоидаларни бузган, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этган (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг расмий маълумотлари асосида) профессор-ўқитувчи ва талабаларга нисбатан олий таълим ташкилоти ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан чоралар кўрилганлиги;

олий таълим ташкилотидаги маънавий-ахлоқий муҳитни, педагогларнинг ахлоқий сифатларини маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича масъул бўлим томонидан мунтазам равишда (сўровнома асосида) таҳлил қилиниб борилганлиги;

халқаро ва республика миқёсидаги маънавий-маърифий кўрик-танловларда, олимпиадаларда, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган талабалар салмоғи;

талабалар турар жойларида талабалар учун ўқиш ва дам олиш учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

талабалар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишдаги фаолиятнинг тизимли йўлга қўйилганлиги, унинг самарадорлиги ва бунда талаба-ёшлар қамрови;

олий таълим ташкилотининг ахборот-ресурс маркази (кутубхона)даги адабиётлардан фойдаланаётган талабалар салмоғи;

ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақаларнинг (тадбирларнинг) ташкил қилинганлиги;

й) битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши бўйича:

битирувчиларни иш жойларига тақсимлаш бўйича олий таълим ташкилотидаги тақсимот комиссияси қарорларининг мавжудлиги;

сўнгги икки ўқув йилида олий таълим ташкилотини давлат грантлари асосида битирган талабаларнинг ишга жойлашганлиги (асословчи ҳужжатларнинг мавжудлиги);\*

сўнгги икки ўқув йилида олий таълим ташкилотини битирганларнинг ишга жойлашиш ҳолати бўйича мониторинг олиб борилганлиги;

кадр истеъмолчилари билан ўзаро ҳамкорликдаги ишларнинг ҳолати; собиқ битирувчилар билан олий таълим ташкилоти ўртасидаги алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги;

к) халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги бўйича:

хорижий мамлакатлар билан шартнома асосида талаба, докторант, мустақил изланувчи, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви;

халқаро илмий тадбирларнинг ташкил этилиши (семинар, анжуман, симпозиум ва ҳоказо);

халқаро совринлар сохиблари;

хорижий мамлакатлардаги методик ва илмий семинарлар аъзолари;

мунтазам хорижий илмий алоқага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони;

қўшма таълим дастурлари ва қўшма факультетлар асосида кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги;

чет эл грантлари асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари (номи, сони, ҳажми);

хорижий мамлакатларда чоп этилган монография, мақола ва ўқув адабиётлари сони (турлари бўйича);

таълим олиш учун хорижий фуқароларнинг жалб этилиши;

илмий-педагог кадрларнинг хорижда малака оширилганлиги;

хорижий олий таълим муассасалари ва хорижий илмий марказлар профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларининг таълим жараёнига жалб этилиши;

хорижий мамлакатлар учун тайёрланган кадрлар ва илмий даражали кадрлар сони;

л) абитуриентларни ўқишга қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши бўйича:

абитуриентларни ўқишга белгиланган талаб ва тартиб асосида қабул қилинганлиги;\*

олий таълим ташкилотининг ҳудудлардан иқтидорли ёшларни танлаб

олишга қаратилган ишларнинг (турли танловлар, тайёрлов курслари ва ҳоказо) амалга оширилганлиги;

м) битирувчилар томонидан битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг бажарилиши (сифати), якуний давлат аттестацияси-га оид фаолият ва унинг натижалари бўйича:

битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари банкининг яратилганлиги;

битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажариш-да муаллифликни ўзлаштиришга (плагиат) йўл қўйилиши ҳолатларини олдини олишга қаратилган чораларнинг белгиланганлиги;

битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларининг бажарилиш сифати, долзарблиги, қўйилган талаблар асосида бажарилганлиги\*, ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги (танлов асосида ўрганилади);

якуний давлат аттестация комиссияларининг қўйилган талаб бўйича шакллантирилганлиги, якуний давлат аттестация натижалари ва комиссия раиси ҳисоботини олий таълим ташкилоти кенгашида кўриб чиқилганлиги;

н) иш берувчиларнинг битирувчилар билими, малакаси ва кўникмаларидан қониқиши ҳолати бўйича республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари.

Битирувчилар малакасининг ишлаб чиқариш талабларига мос келишини аниқлаш, кадрлар тайёрлашда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш мақсадида ҳар йили республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида ўтказилган миллий сўровнома натижалари таҳлили асосида баҳоланади.

Сўровномада қатнашган иш берувчиларнинг битирувчилар билими, малакаси ва кўникмаларидан қониқиши ҳолати камида 55 фоиз бўлиши керак.

### **8-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларини аттестациядан ўтказиш**

18. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) давлат талабларининг таълим жараёнига жорий этилиши бўйича:

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг мавжудлиги;\*

олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкилотига қабул қилиш талабларининг бажарилиши;\*

олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкилотига ўқишга кирувчи талабгорларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши;

олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкилотида ўқишни ташкил этиш ҳолати;

б) илмий раҳбар ва маслаҳатчилар таркибининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий-ташкिलий фаолияти натижалари бўйича:

илмий раҳбарлар этиб илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори, шунингдек илмий унвонга эга бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) тайинланганлиги;\*

илмий маслаҳатчилар этиб илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан докторларининг тайинланганлиги;\*

олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган фан докторларининг илмий раҳбарлик ёки илмий маслаҳатчиликка жалб этилганлиги;

илмий раҳбарлар ва илмий маслаҳатчиларнинг бир вақтнинг ўзида нечта докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилаётганлиги;

ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий раҳбарлар ва илмий маслаҳатчиларнинг (илмий маслаҳатчи бўлган тақдирда) тайинланганлиги;\*

докторант томонидан илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчи (илмий маслаҳатчи тайинланган ҳолатларда) билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган муддатларда тасдиқланганлиги;\*

илмий раҳбар томонидан докторант учун ихтисослик бўйича назарий-методологик дастур ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган муддатда коллегиал орган томонидан тасдиқланганлиги;\*

назарий-методологик дастурни докторант томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий раҳбар ёрдамида ўзлаштирилганлиги;

илмий раҳбар раҳбарлигида сўнгги уч йилда битирган докторант ва мустақил изланувчиларнинг ўз вақтида химоя қилганлари салмоғи;

илмий маслаҳатчи раҳбарлигида сўнгги уч йилда битирган докторант ва мустақил изланувчиларнинг ўз вақтида химоя қилганлари салмоғи;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчиларнинг жами фан докторлари ва илмий унвонга эга бўлган фан номзодлари ёки фалсафа докторларига (PhD) нисбатан улуши;

в) таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган, педагог ва илмий ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда, шунингдек, хорижий нашрларда илмий мақолаларни чоп этиш фаолияти таҳлили;

г) илмий-экспериментал, моддий-техник базанинг ҳолати бўйича:

илмий-экспериментал лабораториялар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланилиши ҳолати;

олий таълим ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасаси ахборот-ресурс марказларида тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларнинг мавжудлиги;

илмий-тадқиқотларни олиб бориш учун асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот-коммуникация воситалари, компьютер техникаси, маиший техника ва бошқа зарур воситаларнинг етарли даражада мавжудлиги;

д) докторант ва мустақил изланувчиларга ижтимоий, илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар бўйича:

докторантларнинг вақтинчалик турар жойлар билан таъминланганлик ҳолати;

олий таълим ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасасида спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

докторант ва мустақил изланувчилар учун олий таълим ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасасида ахборот-ресурс марказидан, замонавий компьютерлардан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имконияти, шунингдек бошқа зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

маҳаллий ҳамда халқаро ахборот ва маълумотлар базасидан (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэтироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналлари) фойдаланиш имкониятларининг яратилганлиги;

е) докторант ва мустақил изланувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиши, ҳисоботларининг олий таълим ташкилотларининг ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг коллегиял органларида (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техникавий кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқаларда) муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги бўйича:

докторант ва мустақил изланувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиши;

ҳисоботларнинг олий таълим ташкилоти ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашида, тегишли кафедра, бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мослиги;

докторант ва мустақил изланувчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ҳимоя қилинаётган докторлик диссертацияси асосий натижаларининг акс этганлиги ҳамда илмий натижаларнинг халқаро ва республика доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларда, семинарларда ва давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилганлиги;

докторант ва мустақил изланувчи томонидан илмий ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган республика ва хорижий журналларда, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда илмий мақолаларнинг нашр этилиши ҳолати;

ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун изланувчилар томонидан диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилинганлиги;

ё) докторант ва мустақил изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингининг олиб борилиши ҳолати бўйича:

докторант ва мустақил изланувчиларнинг олий таълим ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасасидаги фаолияти самарадорлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижалари;

мониторинг натижаларидан келиб чиқиб докторант, мустақил изланувчилар, уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда илмий маслаҳатчиларига нисбатан тегишли хулосаларнинг чиқарилганлиги;

ж) олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини битирган докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science) диссертацияларини ҳимоя қилиши ҳолати бўйича:

ихтисосликлар бўйича сўнгги уч йилда таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилар институтини битирганлар ва улардан илмий-тадқиқот ишини ҳимоя қилганлар ҳамда илмий кенгашга ҳимояга тақдим этганлар улушининг таҳлили;

илмий-тадқиқот ишлари ҳимояси натижаларидан келиб чиқиб, докторант, мустақил изланувчи ва унинг илмий раҳбари ёки илмий маслаҳатчисига нисбатан тегишли хулосаларнинг чиқарилганлиги (интизомий чора ёки рағбатлантириш).

19. Олий ўқув юртдан кейинги таълим ихтисосликларини охириги уч йилда битирган докторантлар ва мустақил изланувчилар диссертацияларининг илмий даража берувчи илмий кенгашда ҳимоя қилинганлари сони 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак.\*

### **9-боб. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш**

20. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотлари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги бўйича:

илмий-методик кенгаш фаолияти ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши; малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим ташкилотининг мақсади ва вазибалари, ривожлантириш бўйича истиқбол режа ва сўнгги икки йилдаги иш режаларининг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

истиқбол режани ишлаб чиқишда профессор-ўқитувчилар, асосий кадр истеъмолчиларининг иштироки;

ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этилганлиги;

таълим ташкилотининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланиши, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таълим ташкилоти бошқарувига татбиқ этилиши таҳлили;

б) давлат талабларининг ўқув жараёнига жорий этилиши бўйича:

курсларнинг давлат талаблари, ўқув ва ишчи ўқув режалари, фанларнинг ўқув ва ишчи дастурлари билан таъминланганлиги ва уларнинг ўзаро мослиги;\*

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қўйилган талабларнинг бажарилиши;\*

календарь-тематик режалар, дарслар жадвали, гуруҳ журнали, ишчи ўқув дастурларининг ишчи ўқув режаларига мувофиқлиги, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиши;

тингловчилар билимларини баҳолашда қўлланиладиган назорат воситаларининг (тестлар, ёзма ишлар саволлари ва бошқалар) фан дастури мазмунини тўлиқ қамраб олганлиги;

тингловчиларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) таълим ташкилоти томонидан ўтказилган якуний назоратларнинг таҳлили;

в) моддий-техник таъминоти бўйича:

моддий-техник, ўқув-лаборатория таъминоти, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши;

лаборатория ишларининг бажарилиши ва методик кўрсатмалар билан таъминланганлиги;\*

г) педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳияти бўйича:

педагог кадрларнинг таянч маълумоти қуйидагилардан бирига мос бўлиши керак:\*

дарс берадиган фанига;

дарс берадиган фани бўйича қайта тайёрлашдан ўтган ҳужжатига;

мос ихтисослик бўйича илмий унвон ёки даражага эга бўлишига;

якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма нашр этганлигига (сертификат асосида);

илмий даражали ва илмий унвонли педагоглар салмоғи, сўнги икки тугалланган календарь йилда педагоглар томонидан малака ошириш тизими учун нашр этилган ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатмалар сони, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг нашр этилиши ҳамда малака ошириш фаолияти;

д) ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотининг замонавий компьютер техникаси билан таъминланганлиги ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги;

е) таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти бўйича:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилоти фаолиятида ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси;

замонавий технологиялар соҳасида педагог кадрларнинг малакасини бевосита ишлаб чиқаришда ошириб борганлиги;

кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган талабнинг ўрганилганлиги;

илмий-тадқиқот институтлари ходимларининг ўқув жараёнида иштирок этиши;

халқаро ҳамкорлик фаолиятининг йўлга қўйилганлиги;

ё) битирув имтиҳонлари, малака ва битирув ишларининг бажарилиши бўйича:

битирув имтиҳонлари, кириш-чиқиш тестлари натижалари;

малака ва битирув иши мавзулари банкининг шакллантирилганлиги;

малака ва битирув ишларининг расмийлаштирилиши ва сифати;

ж) малака ошириш ва қайта тайёрлаш якуни бўйича дипломлар, гувоҳномалар, сертификатларнинг расмийлаштирилиши ва берилиши бўйича:

дипломлар, гувоҳномалар ва сертификатларнинг берилиши ҳолати;

дипломлар, гувоҳномалар ва сертификатларнинг берилишини қайд этиш китобининг расмийлаштирилиши.

\*\* *Бажарилиши шарт бўлган мезонлар.*

*Қолган мезонлар таълим ташкилотининг фаолияти бўйича хулоса беришда ҳисобга олинади.*

### **10-боб. Яқуний қоидалар**

21. Мазкур Мезонлар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

22. Мазкур мезонлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Қурилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан келишилган.

***Фанлар академияси  
президенти***

***Б. ЮЛДАШЕВ***

*2019 йил 16 декабрь*

***Соғлиқни сақлаш вазири***

***А. ШАДМАНОВ***

*2019 йил 16 декабрь*

***Қишлоқ хўжалиги вазири***

***Ж. ХОДЖАЕВ***

*2019 йил 16 декабрь*

***Сув хўжалиги вазири***

***Ш. ХАМРАЕВ***

*2019 йил 16 декабрь*

***Маданият вазири***

***Б. САЙФУЛЛАЕВ***

*2019 йил 16 декабрь*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

**Н. ХУСАНОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Жисмоний тарбия ва  
спорт вазири*

**Д. НАБИЕВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

**Ш. САДИКОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Бош прокурор*

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Ички ишлар вазири*

**П. БОБОЖОНОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Мудофаа вазири*

**Б. КУРБАНОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Миллий гвардия қўмондони*

**Б. ТАШМАТОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси*

**А. АЗИЗОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Қурилиш вазири*

**Б. ЗОКИРОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Транспорт вазири*

**А. РАМАТОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Ташқи ишлар вазири*

**А. КАМИЛОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Туризмни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

**А. АККУЛОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Дин ишлари бўйича  
қўмита раиси*

**А. АХМЕДОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Б. НОРҚОБИЛОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. МУСАЕВ**

2019 йил 16 декабрь

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

**М. АЗИМОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Навоий кон-металлургия  
комбинати директори*

**Қ. САНАҚУЛОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Ўзбекистон Бадий  
академияси раиси*

**А. НУРИДИНОВ**

2019 йил 16 декабрь

*Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги директори*

**Д. ЛИ**

2019 йил 16 декабрь

*Давлат бошқаруви  
академияси ректори*

**Р. ҚОСИМОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Банк-молия академияси  
ректори в. б.*

**Б. БЕРДИЯРОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
акциядорлик жамияти  
бошқаруви раиси*

**Х. ХАСИЛОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим  
сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси,  
Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими  
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш  
вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх,  
16, 19-мх, 12-2019 ва 18-қ/қ-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 12 июндаги 01-193, 173 ва 25-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари бўйича йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1836, 2008 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 287-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 19 декабрдаги 27/ққ, 52/ққ ва 61-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1836-1, 2014 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52-сон, 633-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Халқ таъли-

ми вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 19-1, 4-2016 ва 10-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1836-2, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 416-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**37** Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш,  
унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107 ва 2007-64-сон қарори (рўйхат рақами 1750, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15 ва 16-бандларидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 январь,  
1-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 январда эълон қилинган.

Давлат солиқ  
қўмитаси раиси

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 январь,  
2020-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**38** Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4058-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 24 августдаги 167-сон буйруғи (рўйхат рақами 2022, 2009 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 463-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис в. б.**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 декабрь,  
09/ЮБ-50-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Саноат хавфсизлиги давлат  
қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги  
09/ЮБ-50-сон қарорига  
ИЛОВА

**Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини  
аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция  
назоратини ўтказиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини (кейинги ўринларда эксперт ташкилотлари деб юритилади) аккредитация қилиш, улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш тартибини ҳамда эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларни белгилайди.».

2. 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 14-банддаги ва 33-банднинг биринчи ҳамда иккинчи хатбошиларидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 18-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган

сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 19 ва 22-бандлардаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 23-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 81-банднинг «а» кичик бандидаги «веб саҳифа» деган сўзлар «веб-сайт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 82-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси веб саҳифасига» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг веб-сайтига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 2-иловада:

29-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Эксперт ташкилоти расмийлаштирилган экспертиза хулосалари, ишлаб чиқилган саноат хавфсизлиги декларациялари реестри (рўйхати)ни юритиши лозим. Бу рўйхат Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан белгиланган шаклларда ҳар ойда бир маротаба (кейинги ойнинг 5-сanasига қадар) ҳисоб юритиш учун Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига тақдим этилиши зарур.»

10. 5 ва 6-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**39** «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 6 майдаги 2009-27-сон «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1968, 2009 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 281-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 15 ноябрдаги 2013-03-сон «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1968-1, 2013 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 48-сон, 629-модда).

2. Мазкур буйруқ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан келишилган.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 январда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 январь,  
2020-02-сон

*Келишилган:*

*Қимматли қоғозлар марказий  
депозитарийси бош директори*

**Ш. АБДУЖАББАРОВ**

*2020 йил 20 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**40** «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун  
жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-  
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш  
бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги  
қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ–516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 январда эълон қилинган.

тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх, 28-сон (рўйхат рақами 3061, 2018 йил 28 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3061/1807-сон) «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 декабрь,  
206-мх-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 декабрь,  
29-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги ва Бош прокуратураси  
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг 2019 йил 23 декабрдаги  
206-мх, 29-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга  
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номи ва 15-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**бенефициар мулкдор** — яқуний натижада мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчини ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан манфаатини кўзлаган ҳолда пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

**ички назорат** — почта алоқаси операторлари, провайдерларининг пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб беришни (топширишни) амалга оширувчи, фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда иштирок этувчи ёхуд иштирок этишда гумон

қилинаётган шахслар билан боғлиқ бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

**ички қоидалар** — почта алоқаси соҳасида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

**жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар** — жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва худудлар;

**пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш** — пул маблағларини ўтказишни, тасарруф этишни ёки кўчиришни тақиқлаш;

**фойдаланувчини идентификациялаш** — фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш мақсадида фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

**фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш** — қонун ҳужжатлари (устав ва ёки) таъсис шартномаси, низом) билан белгиланган таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган фойдаланувчининг мулкдори, шу жумладан уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

**террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс** — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

**оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс** — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишнинг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

**фойдаланувчини лозим даражада текшириш** — фойдаланувчининг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, шунингдек фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай фойдаланувчи ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

**почта алоқаси объектлари** — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);

**хабар қилиниши лозим бўлган операциялар** — ички назоратни ўтказиш давомида почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан шубҳали деб топилган, содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағларининг почта ўтказмалари билан операциялар;

**масъул ходим** — ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахс;

**оффшор ҳудуд** — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

**Рўйхат** — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

**шубҳали операция** — пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назоратни ўтказиш жараёнида почта алоқаси операторлари, провайдерларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

**почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи** (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) — почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**пул маблағларининг почта ўтказмаси** (бундан буён матнда пул ўтказмаси деб юритилади) — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

**операцияни тўхтатиб туриш** — фойдаланувчининг пул маблағларини кўчириш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

**юқори мансабдор шахслар** — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

**почта алоқаси ходимлари** — фойдаланувчиларга бевосита хизмат кўрсатувчи ва пул маблағларининг почта ўтказмалари бўйича операцияларни амалга оширувчи почта алоқаси ходимлари;

**таваккалчилик** — фойдаланувчилар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

**ички назорат тизими** — мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ва почта алоқаси операторлари, провайдерларнинг хатти-ҳаракатлари йиғиндиси;

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

**операция иштирокчилари** — фойдаланувчилар ва уларнинг вакиллари ҳамда фойдаланувчининг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари.»;

г) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 3-банднинг ўнинчи хатбошисидаги, 8-банддаги, 67-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 72-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни билиши;»;

е) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларида қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилиниши назоратини амалга оширади;»;

еттинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назоратни ташкил қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги

қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда мазкур Қоидалар талабларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ва махсус ваколатли давлат органининг масъул шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;»;

ж) 13-бандда:

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) қуйидаги мазмундаги 14<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«14<sup>1</sup>.Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги махсус ваколатли давлат органига масъул ходимлар рўйхатини ҳар йили 20 январгача тақдим этади.»;

и) 16-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари почта алоқасининг масъул ходимлари ва ишчиларининг жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий техникаси, усуллари ва тенденциялари тўғрисида ахборот бериш ҳамда жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларининг барча жиҳатларини аниқ тушунтириш мақсадида уларни мунтазам қайта тайёрлашга мажбурдирлар.»;

к) 18-банднинг тўртинчи хатбошиси ва 39-банддаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 23-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 33-бандда:

қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«33. Жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни почта алоқаси операторлари, провайдерлари ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чораларни кўриши шарт.»;

биринчи ва иккинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Почта алоқаси операторлари, провайдерлари таваккалчилик даражаси ҳамда уни пасайтириш талаб этиладиган даражасини аниқлаши, таваккалчилик тури ва даражасига қараб тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.»;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Таваккалчиликни баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилиши керак.»;

н) 40-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 60-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни ёзма равишда сўрашга ва бепул олишга ҳақлидир, шу жумладан почта алоқаси операторлари, провайдерларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари орқали олишга ҳақлидир.»;

п) 70-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Мазкур Қоидалар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари барча масъул ходимлар ва почта алоқаси ходимларига етказилиши лозим.»;

р) 1-илованинг илова белгисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 2-илованинг илова белгисидаги ва 2-бандининг «а» кичик бандидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**41** Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3215*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 июлдаги ПФ-5759-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони ва 2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сон «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
46-сон

**Б. КУРБАНОВ**

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
105-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 январда эълон қилинган.

**Фавқулодда  
вазиятлар вазири в. б.****Т. ХУДАЙБЕРГАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
36-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
39-сон

**Миллий гвардия кўмондони****Б. ТАШМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
35-сон

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,  
Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва  
Миллий гвардиясининг 2019 йил 30 декабрдаги  
46, 105, 36, 39 ва 35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга  
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга  
кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги ПҚ–1765-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизimini такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар (бундан буён матнда тавсиянома деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Тавсияномалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий

тайёргарлик бўйича юксак натижаларга эришган, зарурий билим савиясига эга, намунали ҳарбий интизомини намоён этган энг муносиб ҳарбий хизматчиларга берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсияномага эга бўлган фуқаролар қуйидагиларга:

республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра ўзлари тўплаган балларининг 50 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга;

республиканинг олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриятига ўқишга кириш учун олий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари ажратиладиган алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

## **2-боб. Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари учун балларни ҳисоблаш**

4. Гуруҳ (бўлинма) командирлари томонидан ўқув йили дастури асосида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари бўйича рейтинг кўрсаткичлари юритилади.

5. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари бўйича рейтинг кўрсаткичлари уларга ўқув фанларидан қўйилган баҳоларнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш орқали аниқланади.

6. Ўқув фанларидан қўйилган баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи бутун ўқув йили давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик журналларида қайд қилиб борилади.

7. Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик журналларида муддатли ҳарбий хизматчига ўқув фанларидан қўйилган баҳолар унинг якуний ўртача кўрсаткичини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади.

8. Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик журналларида қайд қилинган баҳолар мазкур Низомнинг тегишлилигига кўра 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ шакллардаги жадвалларга киритилади ҳамда ўқув фанларининг қўйилган баҳонинг ойлик ёки йиллик (якуний) ўртача кўрсаткичи ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда, барча ўқув фанларидан қўйилган баҳолар йиғиндиси ўтилган ўқув фанларининг сонига бўлинади. Масалан, агар муддатли ҳарбий хизматчи ой давомида отиш тайёргарлиги машғулотларида 4 баҳо, тактик тайёргарлик машғулотларида 5 баҳо, маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида 4 баҳо олган бўлса, ўртача кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:  $4 + 5 + 4 = 13$ ;  $13 : 3 = 4,3$ .

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўқув йили якунида тест синовлари ўтказилишидан олдин ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатида бўлган ҳамда ўқув фанларидан қўйилган баҳо-ларнинг якуний ўртача кўрсаткичи 4,0 дан юқори бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга балл берилади.

Бунда, ўқув фанларидан қўйилган баҳо-ларнинг якуний ўртача кўрсаткичи 4,0 дан юқори бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга қуйидаги тартибда балл берилади:

4,0 дан 4,3 гача — 10 балл;

4,4 дан 4,7 гача — 15 балл;

4,8 дан 5,0 гача — 20 балл.

10. Ўқув фанларидан қўйилган баҳо-ларнинг якуний ўртача кўрсаткичи 4,0 дан паст бўлган муддатли ҳарбий хизматчига балл берилмайди.

11. Ўқув фанларидан қўйилган баҳо-ларнинг якуний ўртача кўрсаткичи учун берилган баллар мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Рейтинг натижаларининг йиғма жадвалига киритилади.

12. Ой якунлари бўйича ҳар ойда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ўқув фанларидан қайд этган кўрсаткичлари умумлаштирилиб, мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ пасайиб бориш тартибида тузиладиган Рейтинг натижаларининг ойлик жадвали расмийлаштирилади ҳамда взвод (бўлинма) командирларининг ўринбосарлари билан келишилган ҳолда ҳар ойнинг тўртинчи пайшанба куни батальон (батальонга тенглаштирилган бўлинма) командирига тақдим этилади. Рейтинг натижаларининг ойлик жадвали муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин беш йил давомида сақланади.

13. Батальон командири взвод (бўлинма) командирлари томонидан тақдим қилинган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг рейтинг ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришни ташкиллаштириб, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Ўртача кўрсаткичлар рейтинг жадвалини расмийлаштиради ва батальон командирининг ўринбосарлари билан келишган ҳолда ҳар ойнинг тўртинчи жума куни ҳарбий қисм командирига тақдим этади. Ўртача кўрсаткичлар рейтинг жадвали муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин беш йил давомида сақланади.

14. Ҳарбий қисм командири бутун ўқув йили давомида муддатли ҳарбий хизматчилар рейтинг натижаларининг ойлик мониторинги олиб борилишини таъминлаши лозим.

15. Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик журналлари муддатли ҳарбий хизматчиларнинг баҳо-лари қайд этиб бориладиган асосий ҳужжат ҳисобланади ҳамда уларга ўзгартиришлар киритилмаслиги ва бут ҳолатда сақланиши учун гуруҳ (бўлинма) командирлари масъул бўлади.

Ушбу журналларнинг тўғри юритилиши ва баҳо-ларнинг ҳаққонийлигини текшириб бориш мақсадида ҳар ойда бир марта взвод (бўлинма), батальон командири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўрганиш тадбирлари ўтказилади. Ўрганиш натижалари унда иштирок этган шахслар томонидан имзоланган ҳолда тегишли журналларга қайд этиб борилади.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Намунали ҳарбий интизом учун балларни ҳисоблаш**

16. Ҳар бир ҳарбий қисмдаги ҳарбий интизом ҳолати ҳолисона қайд этиб борилиши зарур. Намунали ҳарбий интизом учун ҳарбий хизматчиларга балларни чиқаришда ҳолисона қарор қабул қилиш масъулияти гуруҳ, взвод, батальон ва ҳарбий қисм командирларининг зиммасига юкланади.

17. Агар муддатли ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низомида кўзда тутилган тартибда намунали ҳарбий интизом учун рағбатлантирилса (олдин берилган интизомий таъзирни бекор қилиш ҳоллари бундан мустасно), ҳарбий қисм командири томонидан унга қўшимча 10 балл қўйилади.

18. Муддатли ҳарбий хизмат давомида неча марта рағбатлантирилганидан қатъи назар, муддатли ҳарбий хизматчиларга намунали ҳарбий интизоми учун 10 баллдан ортиқ балл қўйилмайди.

Намунали ҳарбий интизом учун бериладиган балл мазкур Низомнинг 3-илоvasи тегишли устунига киритилади.

19. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг барча рағбатлантирилишлари ҳарбий қисм командирларининг буйруқлари билан эълон қилинади.

Ҳар бир муддатли ҳарбий хизматчини рағбатлантириш масаласи унинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда бевосита ҳарбий хизматчи командирининг берган тавсиясига асосан кўриб чиқилади.

20. Муддатли ҳарбий хизматчи учун берилган рағбатлантиришлар ҳақидаги маълумотлар унинг хизмат варақасига қайд этиб борилади.

21. Тест синовлари ўтказилишидан беш кун олдин мазкур Низомнинг 3-илоvasига мувофиқ шаклда Рейтинг натижаларининг йиғма жадвали тuzилади. Рейтинг натижаларининг йиғма жадвали бевосита командирлар, командир ўринбосарлари томонидан имзоланади ҳамда ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланади.

22. Рейтинг натижаларининг йиғма жадвали ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланганидан сўнг берилган рағбатлантиришлар учун балл қўйилмайди.

23. Рейтинг натижалари йиғма жадвалининг нусхаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи (унга тенглаштирилган шахс) томонидан имзоланади ва ҳарбий қисмнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда тест синовлари бошланишидан уч кун олдин бўлинмаларда кўринадиган жойга илиб қўйилади.

24. Рейтинг натижаларининг йиғма жадвали муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин беш йил давомида сақланади.

**4-боб. Тест синовларини ўтказиш**

25. Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларининг ўзлаштирганлигини яқуний баҳолаш,

шунингдек уларнинг билим даражасини текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда ДТМ деб юритилади) томонидан ҳар бир ҳарбий қисмда тест синовлари ўтказилади.

Тест синовларига барча муддатли ҳарбий хизматчилар киритилади.

26. Тест синовларини ўтказиш муддати тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ДТМ билан келишилган ҳолда белгиланади.

27. Тест синовлари ўтказилишидан бир ой аввал тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ДТМ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўшин турларидаги жанговар-хизмат вазифаларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлик дастурларига мос намунадаги тест саволлари тузилади.

28. Математика ва физика фанлари бўйича ҳамда мантиқий тест саволлари ДТМ томонидан тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида умумтаълим ва ўрта махсус таълим муассасаларидаги ўқув дастурларини инобатга олган ҳолда тузилади.

29. Тест саволлари муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳар йили тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ДТМ билан ҳамкорликда қайтадан кўриб чиқиши лозим.

30. Муддатли ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган тест саволларининг умумий сони 100 та бўлиб, уларнинг 40 таси — жанговар тайёргарлик, 20 таси — маънавий-маърифий тайёргарлик, 10 таси — математика фани, 10 таси — физика фани бўйича тест саволларидан, шунингдек қолган 20 таси — мантиқий тест саволларидан иборат бўлади.

Ҳар бир тўғри жавоб учун: жанговар тайёргарлик бўйича — 1,2 балл, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича — 1,1 балл, математика бўйича — 1 балл, физика бўйича — 1 балл, мантиқий саволлар бўйича — 1 балл берилади.

31. Тест синовларини ўтказишнинг умумий вақти 3 соатни ташкил этади. Бунда, тест синови учун 2 соат 30 дақиқа, жавоблар варақасини тўлдириш учун 30 дақиқа ажратилади.

32. ДТМдан тест синовларининг натижалари ҳақида расмий маълумотлар олинганидан сўнг, ҳар бир ҳарбий қисмда тест синовларининг натижалари ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат мобайнида тўплаган баллари кўрсатилган, мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Якуний жадвал тузилади.

Якуний жадвал тўпланган балларнинг пасайиб бориш тартибида тузилади ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин беш йил давомида сақланади.

33. Якуний жадвал нусхаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи (унга тенглаштирилган шахс) томонидан имзола-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нади ва ҳарбий қисмнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда ДТМдан олинган тест натижаларига оид расмий ҳужжатларнинг нусхалари билан биргаликда кўринадиган жойга илиб қўйилади.

34. Ҳарбий қисмларнинг саф бўлимида мазкур Низомнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ шаклда тузилган жадваллар рўйхатга олинади ва уларнинг қатъий ҳисоби юритилади.

### 5-боб. Тавсияномаларни бериш

35. Тавсиянома бериш тўғрисидаги якуний қарорни қабул қилиш мақсадида гуруҳ (бўлинма), батальон, взвод командирлари, шунингдек ҳарбий қисм командири ва унинг ўринбосарлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар иштирокида якуний йиғилиш ўтказилади. Якуний йиғилиш давомида ҳар бир муддатли ҳарбий хизматчининг хизмат фаолияти баҳоланади, тест синовларининг натижалари, намунали ҳарбий интизоми ва ўқув фанларидан қўйилган якуний ўртача кўрсаткичи учун берилган балларининг (агар мавжуд бўлса) умумий йиғиндиси жамланади ҳамда муддатли ҳарбий хизматчиларга эълон қилинади.

36. Якуний йиғилиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланади.

Муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш тўғрисида ҳолисона қарор қабул қилиш масъулияти шахсан ҳарбий қисм командирининг зиммасига юкланади.

37. Бериладиган тавсияномаларнинг умумий сони ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатида бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар сонининг 40 фоизидан ошмаслиги керак, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта ҳарбий хизматчилар тенг миқдорда балл тўплаши натижасида 40 фоизли чекловга амал қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда балларнинг пасайиб бориш тартиби бўйича чеклов доирасига кириши лозим бўлган охириги муддатли ҳарбий хизматчи билан тенг миқдорда балл тўплаган ҳарбий хизматчиларнинг барчасига тавсиянома берилиши лозим.

38. Хизмат мобайнида Давлат мукофотлари билан тақдирланган муддатли ҳарбий хизматчилар тест синовларининг натижаларидан қатъи назар тавсиянома олиш ҳуқуқига эга бўлади.

39. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ мобайнида қўпол интизомий хатти-ҳаракатлар содир этган муддатли ҳарбий хизматчиларга, агар улар бўйича хизмат суриштирувлари ўтказилган ва ҳарбий қисм командирларининг тегишли буйруқлари мавжуд бўлса, тўплаган якуний баллари миқдоридан қатъи назар тавсиянома берилмайди.

40. Ҳарбий қисм командирининг тавсиянома берилган муддатли ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғи қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдирилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги ПҚ–1765-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли

ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз ҳарбий бурчини виждонан адо этган \_\_\_\_\_га Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра ўзи тўплаган баллининг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз, шунингдек олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриятига ўқишга кириши учун тегишли ўқув йилига тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи тавсиянома берилди.»

41. Ҳарбий гувоҳноманинг «Алоҳида қайдлар» бўлимига қуйидаги мазмундаги жумла ёзиб қўйилади:

«Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра ўзи тўплаган баллининг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга, шунингдек олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриятига ўқишга кириши учун тегишли ўқув йилида тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни \_\_ серияли, \_\_\_\_\_ рақамли тавсиянома берилди.»

42. Тавсиянома ҳарбий хизматдан резервга бўшатилаётган муддатли ҳарбий хизматчига тантанали равишда топширилади.

43. Тавсиянома бланкаси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланиб, ҳисобга олиш серияси ва рақами ҳамда ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Тавсиянома бланкалари мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

44. Тавсиянома бланкаларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш масъулияти ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича (соҳа йўналиши бўйича) ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

45. Ҳар йили март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматчиларга берилган тавсияномалар сони, уларнинг серия ва рақамлари кўрсатилган ҳисоботлар, шунингдек тавсияномаларни олган ҳарбий хизматчилар рўйхати ва якуний йиғилиши баённомаларининг нусхалари вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бўлинмаларига тақдим этилади.

46. Муддатли ҳарбий хизматчига берилган тавсияномаларнинг корешоклари ҳарбий қисм архивида беш йил давомида сақланади.

47. Тавсиянома эгасининг аризасига асосан йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тавсиянома ўрнига ҳарбий қисм командирининг буйруғига биноан унинг дубликати берилади. Тавсиянома эгаси тавсияномани йўқотганлиги ҳақида даврий нашрда эълон қилиши ҳамда ҳарбий қисмга нашр нусхаси-

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни такдим қилиши керак. Яроқсиз ҳолга келган тавсиянома ҳарбий қисмга қайтарилиши ва ўрнатилган тартибда йўқ қилиниши зарур.

48. Тавсияноманинг юқори ўнг бурчагида «Дубликат» деган шартли ёзув бўлган янги бланкада, асл нусхасида (корешокда) кўрсатилган маълумотлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади. Дубликатнинг орқа томонида «20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_да берилган \_\_\_\_\_-сонли тавсиянома ўрнига берилган» деган сўзлар ёзилади ва ҳарбий қисм гербли муҳри билан тасдиқланади.

### 6-боб. Яқуний қоидалар

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

50. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Давлат тест  
маркази директори*

**М. КАРИМОВ**

*2019 йил 25 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**42** «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2914-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 июлдаги ПФ-5759-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 январда эълон қилинган.

кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2017 йил 14 июлдаги 22, 30 ва 82-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2914, 2017 йил 22 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 34-сон, 901-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

**Мудофаа вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
45-сон

**Б. КУРБАНОВ**

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
104-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 декабрь,  
38-сон

**А. АЗИЗОВ**

*Келишилди:*

**Давлат тест  
маркази директори**

2019 йил 25 декабрь

**М. КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**43 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари авиация-  
сининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3216*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

**Вазир**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 20 декабрь,  
1236-сон

Ўзбекистон Республикаси  
мудофаа вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги  
1236-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари  
авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (кейинги ўринларда Қуролли Кучлар деб юритилади) авиациясининг учувчилар таркиби ва Қуролли Кучлар резерви ва захирасида тур-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 январда эълон қилинган.

ган учувчилар таркиби, учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасалари (кейинги ўринларда УТТ ХТМ деб юритилади) курсантлари, ушбу йўналиш бўйича ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган фуқароларни (кейинги ўринларда учувчилар таркиби деб юритилади) тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Тиббий кўриқдан ўтказиш қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

учувчилар таркибини соғлиғининг ҳолатига кўра учувчилик ишига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (кейинги ўринларда номзодлар деб юритилади) бошқарув органлари, Қуролли Кучлар авиацияси ҳарбий қисм (муассаса)ларида учувчилик ҳарбий-ҳисоб ихтисослиги бўйича хизматга (ишга, ўқишга) яроқлилигини аниқлаш;

улар соғлиғининг ҳолатига кўра Қуролли Кучлар авиацияси турлари ва учувчилик ҳарбий-ҳисоб ихтисослиги бўйича фуқароларни тўғри тақсимлашга кўрсатмалар бериш;

учувчилар таркиби томонидан улар ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида орттирилган касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш (кейинги ўринларда касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлиги деб юритилади);

учувчилар таркибига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ва уларга реабилитациянинг амалга оширилишининг муддати, ҳажми ва турларини белгилаш.

2. Учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида (кейинги ўринларда Мудофаа вазирлиги деб юритилади), шунингдек ташкилий-штат тузилмаларида учувчилар таркиби бўлган бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда (кейинги ўринларда вазирлик ва идоралар деб юритилади) ўтказилади.

3. Мудофаа вазирлиги муассасаларида учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш учун тиббий-учувчилик комиссиялари (кейинги ўринларда ТУК деб юритилади) ташкил этилади. Зарурат туғилганда вазирлик ва идоралар мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш учун Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-тиббий муассасаларида тузилган ТУКларга юборади.

ТУК таркибига раис, раис ўринбосари ва комиссия аъзолари: терапевт, невропатолог, жарроҳ, отоларинголог, офтальмолог киради. Тиббий кўриқни ўтказиш учун бошқа мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.

4. ТУКга қуйидаги вазифалар юклатилади:

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

ҳарбий қисмларда (муассасаларда) учувчилар таркибини даволаш-соғломлаштириш ишларини ва уларни мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказилишини назорат қилиш;

учувчилар таркибининг соғлиғи ва психологик ҳолатига учувчилик ишининг таъсирини аниқлаш;

учувчилар таркибининг юқори профессионал иш қобилиятини сақлаш ва соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун тиббий текширув натижаларини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

учувчилар таркиби соғлиғи ҳолатига касбий омилларнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

ҳарбий хизматчилар, ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқаролар, ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинлар) ўтаб бўлган фуқароларда касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатлар ҳамда уларни ўлимга олиб келган касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш;

учувчилик ишидан кетаётган вақтида фуқароларнинг соғлиғи ҳолати бўйича учувчилик ишига яроқлилигини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш;

ТУК ишида иштирок этаётган шифокор-мутахассис ва ўрта тиббиёт ходимларни тайёрлаш.

5. ТУК ишини назорат қилиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш Мудофаа вазирлигининг марказий ҳарбий-тиббий комиссияси (кейинги ўринларда МХТК деб юритилади) зиммасига юкланади.

6. ТУК томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 111-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхатида назарда тутилган лавозимни эгаллаб турган, шунингдек юқорида кўрсатилган лавозимларда хизматни ўташ учун сараланган шахслар, УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодлар, УТТ ХТМ курсантлари тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим.

7. Тиббий комиссияларнинг тузилиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) мувофиқ белгиланади.

## **2-боб. Учувчилар таркибини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби**

8. Учувчилар таркибининг тиббий текшируви ва тиббий кўрикдан ўтказиш мазкур Низом, учувчилар таркибининг ҳарбий-тиббий экспертизаси мақсадида амалдаги текширув услублари ва МХТК кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади.

Тиббий текширув — бу тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин амалга ошириладиган фуқаронинг шикоятларини йиғиш ва таҳлил қилиш, унинг анамнез маълумотлари ва кўриги, лаборатор, инструментал, морфологик ва бошқа таҳлиллар ўтказиш ёрдамида диагностик тадбирлар комплексиدير.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолати, организмнинг парвозга физиологик мослашувчанлиги, парашют

билан сакрашини аниқлаш мақсадида мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ мажбурий лаборатор — инструментал текширувлар рўйхатига киритилган диагностик текширувлар амалга оширилади.

Зарурат туғилганда тиббий кўрсатмаларга асосан бошқа диагностик текширувлар ўтказилиши ҳам мумкин.

Тиббий кўриқдан ўтказиш деганда учувчилик ишига, учувчиларнинг ҳарбий-ҳисоб ихтисослиги бўйича хизматга (ишга, ўқишга) яроқлилигини аниқлаш мақсадида Қуролли Кучлар авиациясининг турлари бўйича учувчилар таркибини тўғри тақсимлаш учун уни ўтказиш вақтида учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолати ва жисмоний ривожланганлигини ўрганиш ва баҳолаш тушунилади, шунингдек мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа масалаларни ёзма равишда хулоса чиқариш билан ҳал қилиш тушунилади.

9. Фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг якунида, айрим ҳолатларда эса аниқланган тиббий-эксперт якунида амалга оширилади.

10. ТУК ўз хулосаларини маслаҳатлашган ҳолда, йиғилишда қатнашаётган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилади. ТУК хулосалари барча мансабдор шахслар томонидан бажарилиши лозим.

11. Тиббий кўриқдан ўтказиш кундузги ёруғликда, бундай ишлар учун махсус мўлжалланган жиҳозланган хоналарда амалга оширилади. Ёруғлик етарли даражада бўлмаса, тиббий кўриқдан ўтказиш учун етарли даражада бўлган сунъий ёруғликда амалга оширилади.

Шифокор-мутахассисларнинг хоналари мазкур Низомнинг 2-иловасида\* кўрсатилган ТУК шифокор-мутахассислар хоналарининг жиҳозланиши лозим бўлган дори воситалари ва тиббий анжомларининг рўйхатига асосан тиббий кўриқни ўтказиш учун зарурий дори воситалари ва тиббиёт анжомлари билан таъминланади.

ТУК томонидан иш куни мобайнида 25 кишидан ортиқ бўлмаган учувчилар таркиби, УТТ ХТМга ўқишга кираётган 30 кишидан ортиқ бўлган номзодлар тиббий кўриқдан ўтказилади.

12. Фуқаро ёки унинг қонуний вакили ТУК нинг хулосасидан норози бўлган тақдирда МХТКга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

13. ТУК томонидан чиқарилган хулоса, агар хулосада бошқа муддат белгиланмаган бўлса, тиббий кўриқдан ўтказиш санасидан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. ТУК томонидан такрорий ёки навбатдаги хулоса қабул қилинганда, аввалги хулоса бекор қилинади (учувчилик ишига вақтинчалик яроқсизлиги ва касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ТУК нинг хулосаси бундан мустасно). Агар ТУК нинг хулосаси белгиланган муддатда ижро этилмаган бўлса, тиббий кўриқдан ўтказилган шахснинг аризаси ёки ҳарбий-тиббий муассасалар шифокор-мутахассисларининг хулосасида кўрсатилган муддатдан қатъи назар, ушбу шахснинг соғлиғи ҳолатида яққол ўзгаришлар қайд этилса, тиббий кўриқдан қайтадан ўтказилади.

14. ТУК хулосасининг амал қилиш муддати тугаган учувчилар тарки-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бига парвозларни амалга оширишга рухсат берилмайди. Алоҳида вазиятларда, махсус вазифаларни бажаришда, бирор-бир сабабларга кўра айрим шахсларнинг тиббий кўригини белгиланган муддатда ўтказишнинг иложи бўлмаса, Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари (кейинги ўринларда ХХМК ва ХХК деб юритилади) тиббий таъминот хизмати бошлиғи ҳамда МХТК раиси билан келишилган ҳолда ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғи чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказгандан кейин ТУКнинг охириги хулосасига мувофиқ учувчилик ишини давом эттириш учун бир ой муддатга рухсат бериши мумкин.

15. Фуқаронинг учувчилик ишига, учувчилар ҳарбий-ҳисоб ихтисослиги бўйича хизматга (ишга, таълимга) яроқлилиги ТУК томонидан фуқароларнинг соғлиғи ҳолати талабларига мувофиқ белгиланади.

Учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолатига қўйилган талаблар — учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолати ва жисмоний ривожланганлигини тавсифловчи тиббий кўрсаткичлар, уларга асосан учувчилик иши, учувчилик таълими, тегишли учувчилар ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича хизматга (ишга) яроқлилиқ тоифаси белгиланади.

Фуқароларнинг соғлиғи ҳолатига қўйилган талаблар мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвали ҳамда алоҳида моддага бериладиган шарҳларда (кейинги ўринда Касалликлар жадвали деб юритилади), шунингдек мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ меъёردа ва овқатланиш бузилишида бўй ва тана вазни нисбатининг жадвалида (кейинги ўринларда бўй ва тана вазни нисбатининг жадвали деб юритилади) белгиланган.

16. Тиббий кўриқдан ўтаётган шахслар касалликлар жадвалининг қуйидаги устунлари бўйича тақсимланади:

I устун — УТТ ҲТМга ўқишга кираётган номзодлар ва УТТ ҲТМ курсантлари (IV-V босқич курсантлари бундан мустасно);

II устун — қирувчи-самолётлар, бомбардимончи самолётлар, ҳужумчи самолётларда учувчи учувчилар ва штурманлар;

III устун — поршенли ва транспорт самолётларида учувчи учувчилар ва штурманлар;

IV устун — барча турдаги вертолётларда учувчи учувчилар, учувчи-операторлар, штурманлар;

V устун — учувчи экипажларининг бошқа аъзолари, парашютчилар, учувчисиз учиш аппарати бўлинмаларининг учувчи-оператор, штурман-операторлари (кейинги ўринларда УУА операторлари деб юритилади);

VI устун — парвоз бошқарувчилари.

УТТ ҲТМ нинг IV-V босқич курсантлари учиш аппаратларини турига қараб парвозларни бажаришда, Касалликлар жадвалининг тегишли устунлари бўйича тиббий кўриқдан ўтказилади.

17. ТУК хулосасида ташхис, касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлиги кўрсатилиши зарур. Ундан кейин учувчилик ишига (учувчилик таълими, парашют билан сакраш, УУА оператор-

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик иши, парвозлар бошқарувига) яроқлилик тоифасини белгилайдиган моддалар (моддаларнинг бандлари) ва Касалликлар жадвали устунлари ёзилади. Бундан ташқари учувчилик ишига ёки ҳарбий мутахассислик бўйича ишга яроқсиз деб хулоса чиқарилганида, ТУК томонидан ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси, шунингдек, касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги хулоса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ чиқарилади.

ТУК учувчилик ишига яроқлилик ёки чекланган равишда яроқлилик тўғрисидаги хулосани чиқарганда МХТК раисининг рухсати билан муддатдан олдин (олти ёки ўн икки ойдан сўнг) қайта тиббий кўрикдан ўтказишни белгилаши ҳамда кейинги тиббий кўрикдан ўтказиш стационар шароитда амалга оширилиши зарурлигини кўрсатиб ўтиши керак.

18. Касалликлар жадвали айрим моддалар (моддалар бандлари) бўйича яқка тартибдаги баҳолашни кўзда тутган ҳолатларда, тиббий кўрикдан ўтаётган шахс учувчилик ишига яроқли, чекланган равишда яроқли ёки яроқсиз деб топилиши мумкин. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

касалликнинг ривожланиш даражаси;

патологик жараённинг қайталаниши;

мавжуд бўлган бузилишларнинг компенсация даражаси;

соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар мавжуд бўлганда учувчилик ишидаги тажрибаси;

учувчилик ишини давом эттиришда касалликнинг ривожланиш эҳтимоли;

учувчилик ишини бажариш сифатига касалликнинг таъсири;

индивидуал-психологик хусусиятлари;

учувчилик мутахассислиги, хизмат стажи, тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг малакаси ва аниқ мақсадга йўналтирилгани;

бажарилаётган учувчилик ишининг характери;

учувчилик ишида келгусида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги.

19. Учувчилик ишига (учувчилик таълимига) яроқлилиги тўғрисидаги хулоса парашют билан сакрашга ва ердаги катапультга воситасидан ирғишга яроқли эканлигини кўзда тутати. Агар тиббий кўрикдан ўтаётган шахс соғлиғи ҳолати сабабли парашют билан сакраш ва ердаги катапультга воситасида ирғишни бажара олмаса, ТУК хулосасида у парашют билан сакраш ва ердаги катапультга воситасида ирғишга вақтинчалик яроқсиз деб кўрсатиб ўтади.

Учувчилик ишига яроқли ёки чекланган равишда яроқли деб топилган учувчилар ва штурманлар парвозларини бошқаришга рухсат этилади.

20. Учувчилик ишига чекланган равишда яроқли деб топилган шахслар, авиация турларига уларнинг тааллуқлилигига мувофиқ Касалликлар жавалининг чекланишлар билан рухсат этилган устунлари бўйича ҳамда учувчилик ишига соғлиғи ҳолатининг паст талабларига эга бўлган устунлар бўйича яроқли деб топилганлар ҳисобланади.

21. Учувчилик ишига (учувчилик таълимига) вақтинча яроқсизлик

деганда учувчилар таркиби ва УТТ ХТМ курсантлари ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш билан парвоздан вақтинчалик озод қилиниши учувчилар таркиби учун 45 кунгача, курсантлар учун 30 кунгача тушунилади. Учувчилар таркиби ва учувчилар экипажининг бошқа аъзолари, УТТ ХТМ курсантлари ҳарбий хизматга вақтинчалик яроқсизлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳақидаги низомга мувофиқ қўшимча таътил берилишини назарда тутати. Ҳар йили кўрсатилган шахсларга ҳарбий санаторийларда тиббий реабилитация учун профилактик дам олиш мақсадида қўшимча 15 суткалик таътил берилди. Кўрсатилган муддат тугагач ТУКда тиббий кўрикдан қайта ўтказилади ва учувчилик ишига (учувчилик таълимига) яроқлилик ёки яроқсизлик ҳақидаги масала ҳал этилади.

Зарурат туғилганда, касаллик сабабли таътил ёки парвоздан озод этилиши ТУКнинг хулосаси билан узайтирилиши мумкин, бироқ ҳар сафар 30 суткадан ошмаслиги зарур. Даволаш муассасалари, санаторийлар ва касаллиги туфайли таътилда узлуксиз бўлишнинг умумий муддати унинг учувчилик ишига, шунингдек ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсизлик тоифаси тўғрисидаги якуний хулосаси чиқарилгунга қадар 4 ойдан ошмаслиги керак. Зарурат туғилганда даволаниш ёки касаллиги туфайли таътил муддати 4 ойдан ортиқ давом этиш масаласи қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинади.

Касаллиги туфайли таътил навбатдаги таътил билан алмаштирилиши тақиқланади. Ҳарбий қисм (муассаса), УТТ ХТМ, ҳарбий тиббий муассасаларнинг шифокорлари учувчилар таркиби ва УТТ ХТМ курсантларини 6 кунгача парвозлардан ёки хизмат вазифасидан тўлиқ озод қилинишлари тўғрисида хулоса чиқаришлари мумкин. Озод қилиш муддатини янада узок вақтга тақдим қилиш зарурияти туғилганда, ушбу масала ТУК томонидан ҳал этилади.

### **3-боб. УТТ ХТМга ўқишга кирувчи номзодлар ва УТТ ХТМ курсантларини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби**

22. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш икки босқичда амалга оширилади:

дастлабки босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси (кейинги ўринларда МИБ деб юритилади) ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан;

якуний босқич — УТТ ХТМ ҳузуридаги ТУК томонидан.

МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида ТУК ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

23. МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиясининг катта шифокори номзодларни тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин комиссия аъзолари билан ўтказилган тиббий текширув натижалари, амбулатор беморнинг тиббий вара-

қаси, психоневрологик, наркологик, силга қарши ва тери-таносил диспансерларида ҳисобда турганлиги ҳақидаги маълумотларни (маълумотномалар) ўрганиб чиқади.

24. Тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида ранг ажратиш қобилияти меъёрида, ҳар бир кўзида коррекциясиз кўриш ўткирлиги 1,0 дан кам бўлмаган, артериал қон босими 130/80 мм дан ошмаган ва 105/70 мм дан паст бўлмаган, бўйи 170 см дан кам ва 186 см дан юқори бўлмаган, оёқ узунлиги 80 см дан кам бўлмаган, қўл узунлиги 76 см кам бўлмаган, ўтирган ҳолатда бўй узунлиги 80 см дан кам ва 97 см дан юқори бўлмаган, тана вазни 60 кг дан кам ва 90 кг дан кўп бўлмаган ҳамда, тана вазни индекси (кейинги ўринларда ТВИ деб юритилади) 19 дан кам бўлмаган номзодлар сараланади.

Ушбу талабларга жавоб берадиган номзодлар мазкур Низомнинг 1-ило-васида кўрсатилган мажбурий лаборатор — инструментал текширувлар рўйхатига мувофиқ диагностик текширувлардан ўтказилади.

25. МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиянинг шифокор-мутахассислари номзодларни мукамал клиник текширувдан ўтказди. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида қуйидаги мажбурий текширувлар ўтказилади: дозаланган жисмоний юклама билан синама, ранг сезувчанлигини текшириш, кўриш ўткирлигини текшириш, тинчлик ва циклоплегия пайтида рефракциянинг скиаскопик текшируви, бурун орқали нафас олишини, ҳид сезишини, шивирлаб гапирганда эшитишини, қулоқларнинг барофункцияси-ни, (ўрнатилган усуллардан бири билан) вестибуляр ва отолит аппаратини текшириш. Бошнинг сочли қисмида ва юзида тери чандиқлари мавжуд бўлганда электроэнцефалография ўтказилади, умуртқа поғонасининг қий-шиқлиги аниқланганда икки проекцияларда (фронтал ва сагиттал) умуртқа поғонасининг рентгенографияси ўтказилади.

26. Текширув натижалари ва шифокор-мутахассисларнинг хулосалари мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий-таълим муассасасига ўқишга кирувчи шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига ёзилади.

Номзодларда УТТ ХТМга ўқишга кириш учун тўсқинлик қилувчи касалликлар, жароҳатларнинг асоратлари мавжуд бўлганда кейинги текширувлар тўхтатилади ва учувчилик таълимига яроқсизлик ҳақидаги хулоса чиқарилади.

27. УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодлар ташхисга аниқлик кири-тиш учун давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муас-сасаларига амбулатор ёки стационар равишда тиббий текширувларни ўтказишга юборилади.

Ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра мазкур Низомнинг 6-ило-васига\* мувофиқ соғлиқ ҳолатини текшириш тўғрисидаги далолатнома тузи-лади, ушбу далолатнома даволаш — профилактика муассасасининг бош шифокори ҳамда текширувни ўтказган шифокор имзолари билан имзола-нади ва даволаш — профилактика муассасасининг гербли муҳри билан муҳрланади.

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

28. МИБ хузуридаги тиббий комиссиянинг хулосасидан норози бўлган номзодлар унинг хулосаси қайта кўриб чиқилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси (вилоят) муқобил тиббий комиссиясига, Республика муқобил тиббий комиссиясига (кейинги ўринларда РМТК деб юритилади) ёки МХТК га юборилади.

29. Ҳарбий хизматчилар таркибидан бўлган номзодлар икки босқичдан иборат бўлган тиббий кўриқдан ўтказилади:

дастлабки тиббий кўриқдан ўтказиш учун МХТК раиси томонидан белгиланган ҳарбий-тиббий комиссиялардан (кейинги ўринларда ХТК деб юритилади) бирига ёки ТУК га юборилади;

якуний тиббий кўриқдан ўтказиш учун — УТТ ХТМ хузуридаги ТУК га юборилади.

30. ТУК (ХТК)га юборилгунга қадар номзодлар мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган мажбурий лаборатор — инструментал текширувлар рўйхатига мувофиқ диагностика текширувларидан ўтказилади. Ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан номзоднинг соғлиғи ҳолати, ҳаёт мобайнида ўтказган касалликлари ва жароҳатлари, ташхиси ва УТТ ХТМга юбориш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги ўзининг фикрини қисқача эпикризини тиббий китобча ва тиббий тавсифномасига киритилади.

Мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси ва ҳарбий хизматчининг бошқа тиббий ҳужжатлари УТТ ХТМга муҳрланган ҳолатда жўнатилади.

ТУК хулосасидан норози бўлган ҳарбий хизматчилар таркибидан бўлган номзодлар МХТКга назорат тиббий текширувдан ўтиш учун юборилади.

31. УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодлар УТТ ХТМ хузуридаги ТУКда якуний тиббий кўриқдан ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтказишдан аввал ТУК раиси ва УТТ ХТМ тиббиёт хизмати бошлиғи комиссия аъзоларини дастлабки танлов материаллари билан таништиради.

Номзодларни УТТ ХТМга келган кун тиббий кўриқдан ўтказиш тақиқланади. ТУКдан ўтказилгунга қадар номзодларни ишга ва жисмоний тадбирларга жалб қилиш тақиқланади.

32. Шифокор-мутахассислар ҳар бир номзодни соғлиғи ҳолати юзасидан шикоятлари бўлмаса ҳам, мукамал ва диққат билан текширишлари зарур.

Мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаларини тўлдирилганда шифокор-мутахассислар тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг шикоятлари, анамнез маълумотлари, текширув натижалари, ташхис ва учувчилик таълимига яроқлилик тоифасини ёзишлари шарт.

33. Ҳар бир шифокор-мутахассис ўз йўналиши бўйича қўйилган хулосасининг тўлиқлиги, текширув аниқлиги ва тўғрилигига, комиссия иши ва комиссиянинг хулосалари тўғрилигига эса — ТУК раиси жавобгар ҳисобланади. ТУК мутахассисларининг бири томонидан номзодларда УТТ ХТМ

га ўқишга кириш учун тўсқинлик қилувчи бирон-бир касаллик аниқланса, ушбу номзодлар қолган шифокор-мутахассисларнинг кўригидан ўтишади, бироқ махсус текширувлардан озод қилинадилар.

34. Барча номзодлар учун тиббий кўрикдан ўтказиш бошланишидан олдин қуйидагилар амалга оширилади:

кон ва сийдикнинг клиник текшируви;

корин бўшлиғи ва сийдик ажратиш тизими аъзоларининг ультратовуш текшируви;

кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографик текшируви;

бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси;

фиброгастродуоденоскопия.

Умуртқа поғонасининг рентгенографияси кўрсатмаларга асосан ўтказилади, тиббий кўрикдан ўтказиш куни эса тана ҳароратини ўлчаш, антропометрия ва шифокор-мутахассислар кўриги ўтказилади.

35. УТТ ХТМ амалга ошириладиган тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида номзодларда учувчилик таълимига тўсқинлик қилувчи касаллик ёки жисмоний нуқсонлар аниқланмаса, уларга якуний ҳулосани чиқаришдан олдин ТУК томонидан қуйидаги махсус текширувлар амалга оширилади:

мўътадил даражадаги гипоксияга чидамлилигини аниқлаш учун барокамерали текширув;

вестибуляр аппаратни кумуляция билан қўзғатувчи усуллардан бири билан текшириш — икки дақиқалик Кориолис тезлашишини узуклик кумуляциясининг таъсири ёки уч дақиқалик Кориолис тезлашишини узуксиз кумуляцияси;

Хилов арғимчоғида текшириш;

тонал аудиометрия-кўрсатмаларга асосан.

Бир кунда барокамерадаги синовлар, вестибуломертия ва Хилов арғимчоғида текширувларни ўтказиш тақиқланади.

36. Ҳар бир номзоднинг текширув натижалари ТУК йиғилишларида муҳокама қилинади, мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига ёзилади, ТУК ҳулосаси мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақалари, шу жумладан ҳарбий хизматчиларнинг тиббий китобчасига ҳам киритилади. ТУК ҳулосаси тиббий комиссия (ХТК, ТУК) тузилган ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) муҳри билан тасдиқланиши зарур.

37. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра тиббий комиссия, ТУК (ХТК) томонидан номзодларга нисбатан қуйидаги мазмунда ҳулосалар қабул қилади:

учувчилик таълимига яроқли;

учувчилик таълимига яроқсиз. ХТМга (УТТ ХТМ бундан мустасно) ўқишга киришга яроқли;

кейинги тиббий кўрикдан ўтказиш шарти билан стационар (амбулатор) текширувга муҳтож;

---

\* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учувчилик таълимига яроқсиз. ХТМга ўқишга киришга яроқсиз.

38. Учувчилик таълимига яроқсизлик тўғрисидаги хулосада Касалликлар жадвалининг тегишли моддаси (моддаларнинг банди) кўрсатилади. ТУК томонидан учувчилик таълимига ва ХТМга ўқишга кириш учун яроқсиз деб топилганларга мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига яроқсизлиги тўғрисидаги хулосани батафсил асослаб ёзилади.

Учувчилар таркибини тайёрлаш факультетларига ўқишга кириш учун номзодлар яроқсиз деб топилган ҳолатларда, бироқ УТТ ХТМнинг бошқа факультетларига ёки бошқа ХТМга ўқишга киришга яроқли бўлса, ТУК номзоднинг қайси ХТМга ўқишга киришга яроқлилиги тўғрисида яқка тартибда хулоса қабул қилиш ҳуқуқига эга.

39. Яқуний тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида учувчилик таълимига яроқсиз деб топилган ва УТТ ХТМ ҳузуридаги ТУК хулосасидан норози бўлган номзодлар қабул комиссияси раисининг йўлланмасига асосан МХТКга юборилиши мумкин.

МХТК раиси қўшимча текширувлар ва навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказиш учун номзодни Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг (кейинги ўринларда МХКГ деб юритилади) учувчилик экспертизаси бўлимига юборади. Зарурат туғилганда номзодларни текшириш учун Мудофаа вазирлигининг бош тиббий мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

40. ТУК раиси ва УТТ ХТМ тиббиёт хизмати бошлиғи саралаш туганган кундан уч кундан кечиктирмасдан МХТКга тиббий кўриқ натижалари ҳақида ҳисобот ва учувчилик таълимига яроқсиз деб топилган номзодларнинг мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини таёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаларини тақдим қилади.

МХТК УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодларнинг мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини таёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаларнинг ҳисобини ва таҳлилини қилган ҳолда жорий йилнинг 1 сентяб-ригача УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодларни дастлабки танловдан ўтказган комиссияларнинг рўйхатини МИБ (ХТК, ТУК)га хизмат суриштирувини ўтказиш учун юборади.

Хизмат суриштируви материаллари МИБ бошлиқлари ва ТУК (ХТК) раислари томонидан МХТКга жорий йилнинг 1 ноябрь кунига қадар тақдим қилади.

41. УТТ ХТМ курсантлари ҳар йили ТУК тиббий кўриқдан ўтказишлари лозим. Бунда улар мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган мажбурий лаборатор — инструментал текширувлар рўйхатига мувофиқ диагностик текширувларидан, шифокор-мутахассислар кўригидан ўтказилади, зарур бўлганда оғиз бўшлиғи санация қилинади.

42. Курсантларни тиббий кўриқдан ўтказишдан аввал УТТ ХТМ тиббий хизмати тиббий кўриқдан ўтказишлар оралиқ даврдаги шифокор куза-

туви ҳақидаги маълумотларни тайёрлайди. Тиббий китобчада анамнез аниқлаштирилади, «Учувчилик ишида организмнинг реакцияларини ўрганиш» ва «Жисмоний тайёргарлик бўйича тиббий назорат маълумотлари» бўлимларида парвозларни ўтказиши ва жисмоний ривожланганлиги ҳолати ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар ёзилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиладиган куни курсантлар парвозларга, машғулотларга ва ишларга жалб қилиниши тақиқланади.

43. Мураккаб диагностик ҳолатларда ёки тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда курсантлар МХКГ ҳузуридаги госпиталь ТУКга тиббий кўриқдан ўтказиш учун юборилади.

ТУК иши тугаганида УТТ ҲТМ тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларини таҳлил қилинади ва даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирлари режасини тузилади.

44. УТТ ҲТМ курсантларига нисбатан ТУК қўйидаги мазмундаги хулосаларни чиқаради:

учувчилик таълимига яроқли;

кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан стационар (амбулатор) шароитда текширишдан (даволанишдан) ўтказилишга муҳтож;

учувчилик таълимига вақтинчалик яроқсиз. Ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариб, кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш (ТУК номланиши кўрсатилсин) шарти билан парвозлардан озод қилинишга муҳтож (суткалар сони кўрсатилсин);

вақтинчалик ҳарбий хизматга яроқсиз. Касаллиги туфайли таътилга ёки синф машғулотларида қатнашиш билан хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишга муҳтож (суткалар сони кўрсатилсин);

учувчилик таълимига яроқсиз. Ҳарбий хизматга (яроқлилиқ тоифаси кўрсатилсин) яроқли (яроқсиз);

(юборилаётган ҲТМ ва давлат номланиши кўрсатилади) ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олишга яроқли;

(юборилаётган давлат номланиши кўрсатилади) ҳарбий таълим муассасасида ўқишга яроқсиз, учувчилик таълимига яроқли (яроқсиз).

Учувчилик таълимига яроқсиз деб топилган УТТ ҲТМ курсантларига нисбатан ТУК томонидан қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматга яроқлилиқ тоифаси ҳақида хулоса чиқарилади.

45. Битирувчи курс курсантлари ўқишни битиришдан олдин чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилади, эксперт хулосалари уларга учувчилар таркиби учун кўзда тутилган мазмунда чиқарилади.

#### **4-боб. Учувчилар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби**

46. Тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланма ҳарбий қисм командир-

лари, муассаса бошлиқлари (айрим ҳолатларда МХТК раиси) томонидан берилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш учун юборилаётган ҳарбий хизматчилар учун ТУКга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

юборилаётган шахснинг ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва шарифи, туғилган йили, лавозими, қачон ва қайси туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими (кейинги ўринларда МИББ деб юритилади) томонидан ҳарбий хизматга қақирилгани, тиббий кўриқдан ўтказиш мақсади ва дастлабки ташхиси кўрсатилган йўлланма;

хизмат ва тиббий тавсифномалар;

ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

тиббий китобча.

47. Учувчи, штурман, учувчилик экипажининг бошқа аъзолари, парашютчилар, УУА операторлари, парвозларни бошқарувчилари ҳар йили олдинги ТУК муддати тугаганида, ТУКдан навбатдаги режали тарзида тиббий кўриқдан ўтказишлари лозим.

48. 30 ёшга тўлган барча учувчи ва штурманлар, 35 ёшга тўлган учувчилар экипажининг бошқа аъзолари навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказишда стационар шароитда тиббий текширувлардан ўтишлари лозим. Госпиталь ТУК томонидан учувчилик ишига яроқли деб топилган шахслар, агар қайта стационар шароитда тиббий кўриқдан ўтказишга тиббий кўрсатмалари бўлмаса, кейинги икки йил давомида амбулатор шароитда, учинчи йил — стационар шароитда тиббий кўриқдан ўтказилади.

Парашютчилар, УУА операторлари, парвозларни бошқарувчилари бошқа лавозимга ўтаётганида ва 35 ёшга тўлганларида стационар шароитида, кейин уч йил давомида амбулатор шароитида тиббий кўриқдан ўтказилади.

Агар учувчилар таркибидаги шахсларнинг соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар рўй берса, бунда ташхисни аниқлаштириш ёки ТУК қарорини ўзгартириш зарур бўлса, учувчилик мутахассислиги, ёши ва юқорида кўрсатилган стационар тиббий текширув муддатидан қатъи назар тиббий кўриқдан ўтказиш учун ҳарбий тиббий муассасага юборилиши зарур. Учувчилар таркибини комиссиялараро даврда стационар шароитида ва навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказишга тайёрлаш даврида тиббий текширувдан ўтказиш зарурати ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан белгиланади.

49. Учувчилар таркиби, учувчилар экипажининг бошқа аъзолари, УУА операторлари, парвоз бошқарувчиларини стационар тиббий текширувдан ўтказиш МХКГ нинг учувчилик экспертизаси бўлимида амалга оширилади.

Парашютчиларни тиббий кўриқдан ўтказилиши гарнизон (госпиталь) ХТК томонидан амалга оширилади.

50. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Академияси ҳузуридаги қўмондонлик таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари ва ХТМ ҳузуридаги малакасини ошириш факультетлари, бошқа малака ошириш курсларида тахсил олиш учун юборилаётган учувчилар таркиби ХХМҚ ва ХХК авиация тиббиёти маркази (кейинги ўринларда АТМ

деб юритилади) хузуридаги ТУКда тиббий кўриқдан ўтказилади, эксперт ҳужжатлари МХТКда асосланиши шарт эмас.

51. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига ўқишга кираётган учувчилар таркибидаги офицерлар ХХМ Қ ва ХХК АТМ хузуридаги ТУК да бирламчи тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим бўлиб, унда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси тўлдирилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида ўқишга киришга яроқли деб топилган номзодларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси унинг шахсий йиғмажилди билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясига юборилади. Якуний тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси хузуридаги ТУК томонидан амалга оширилади.

52. Номзодлар дастлабки тиббий кўриқдан ўтказиши учун масъулият уларни ўқишга юбораётган ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғига), хулосанинг тўғри чиқарилиши учун эса — ТУК раиси зиммасига юкланади.

53. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига ўқишга кирадиган номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида:

«учувчилик ишига яроқлилиги якка тартибда аниқланади» деган хулоса таъсири остига тушувчи касалликлар ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳатланиш) оқибатлари аниқланса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ «В ёки С тоифаси якка тартибда аниқланади» ёхуд «С тоифаси» ёхуд «С ёки Е тоифаси якка тартибда аниқланади» деган хулоса кўзда тутилган бўлса, хулоса қўйидаги мазмунда қабул қилинади: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига ўқишга киришга яроқсиз».

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учувчилар таркибидан бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг тингловчилари (офицер ҳарбий унвонига эга бўлган) учувчилар таркиби учун белгиланган тартибда МХКГ хузуридаги ТУКда тиббий кўриқдан ўтказилади.

54. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ХТМларига ўқишга (стажировкага) юборилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган шахслар Касалликлар жадвалининг тегишли устунлари бўйича учувчилик ишига яроқли деб топилганда ТУК (ХТК) қўйидаги мазмунда хулосани қабул қилади: «ХТМга (ХТМ ва чиқаётган давлат номи кўрсатилсин) таҳсил олишга (малака оширишга) юборилишга яроқли».

«Учувчилик ишига яроқсиз» деган Моддаларда кўзда тутилган касал-

ликлар аниқланса ТУК (ХТК) қуйидаги мазмунда хулосани қабул қилади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига таҳсил олишга (малака оширишга) юборилишга яроқсиз».

Учувчилик таълимига яроқли деб топилган УТТ ХТМ курсантларга нисбатан қуйидаги мазмундаги хулоса чиқарилади: «ХТМ га (ХТМ ва чиқаётган давлат номи кўрсатилсин) таҳсил олишга яроқли», учувчилик таълимига яроқсиз деб топилганида эса — «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида таҳсил олишга яроқсиз».

Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари ва комиссия хулосалари мазкур Низомнинг 8-иловасига\* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) чиқаётган шахснинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотномага киритилади.

55. Ҳарбий қисмларда (муассасаларда) навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказиш режаси ва тартиби тегишли командир ва бошлиқларнинг буйруқлари билан белгиланади. Учувчилар таркиби навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказиш учун ўз вақтида келишлари учун масъулият ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) зиммасига юкланади.

56. Учувчилар таркибини навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказиш учун тайёрлашда ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) тиббиёт хизмати бошлиғи тиббий китобчасида «умумий анамнез», «хизмат ва маиший шароитлари», «учувчилик ишига организмнинг реакцияларини ўрганиш» ва «жисмоний тайёргарлик бўйича тиббий назорат маълумотлари» бўлимларини тўлдиради, унда комиссиялараро даврдаги умумлаштирилган қуйидаги тиббий қузатув натижалари акс этиши шарт:

соғлиғи ҳолатидаги ўзгаришлар динамикаси, учувчилик иши эрта аниқланган патологик ўзгаришларга таъсири;

соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи аниқланган нохуш омиллар;

руҳий табиатидаги ўзига хос хусусиятлари;

бошидан кечирган касалликлар, уларнинг ўзига хос кечиши;

турли хилдаги парвозлар, махсус синовлар, машқлар ва текширувларга чидамлилиги;

жисмоний тайёргарлик ҳолати.

57. Амбулатор равишда тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин учувчилар таркиби, учувчилар экипажининг бошқа аъзолари, парашютчилар, УУА операторлари, парвоз бошлиқларига мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган мажбурий лаборатор-инструментал диагностика текширувлари рўйхатига мувофиқ диагностик текширувлари амалга оширилади. Мазкур лаборатор-инструментал текширувлар Мудофаа вазирлиги ҳарбий тиббий муассасалари шароитларида бажарилади.

Барча лаборатор-инструментал текширувлар амбулатор равишда тиббий кўрикдан ўтказишдан камида 1 ой олдин бажарилиши лозим, қўшимча текширувлар кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин барокамерада мўътадил даражадаги гипоксия ҳолатларига чидамлилиги текширилади:

---

\* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учувчи, штурман, учувчилар экипажининг бошқа аъзолари — икки йилда бир марта, кейинги стационар шароитида тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан;

парашютчилар — бирламчи тиббий кўриқдан ўтказишда, бундан кейин эса фақатгина тиббий кўрсатмаларга кўра.

Учувчилар таркибини барокамерада мўътадил даражадаги гипоксия ҳолатларига чидамлилигини режали текшируви парвоз давомидаги баландлик синовлари билан алмаштирилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказишга фақатгина оғиз бўшлиқларида санация ўтказилганидан кейин рухсат этилади.

58. ТУК иши бошланишидан аввал ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) ёки унинг ўринбосари раҳбарлигида йиғилиш ўтказилади, унда тиббиёт хизмати бошлиғи комиссиялараро давридаги тиббий кузатувлари асосида тиббий кўриқдан ўтказиш зарур бўлган барча учувчилар таркибига оғзаки тавсиянома беради. Тиббий кўриқдан ўтказиш куни учувчилар таркиби парвозлар ва машғулотларга жалб этилмайди.

59. Учувчилик ишига яроқлилик даражаси тўғрисидаги ТУК хулосаси шифокор-мутахассисларнинг тиббий текшируви натижалари ва ҳарбий қисм (муассаса) кўмондонлиги ҳамда тиббиёт хизмати бошлиғининг кузатувлари асосида ТУК мажлисида чиқарилади. Учувчилик ишига яроқлилик даражаси тўғрисидаги ТУК хулосаси билан бир вақтда даволаш-профилактика тадбирларига муҳтожлиги ҳам аниқланади. Диагностика ва экспертизанинг мураккаб ҳолатларида, соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар пайдо бўлганида, шунингдек мавжуд бўлган касалликлари ривожланганида стационар текшируви зарурлиги тўғрисидаги хулоса чиқарилади.

60. Учувчилар таркиби, учувчилар экипажининг бошқа аъзоларига нисбатан ТУК кўриқдаги хулосаларни чиқаради:

учувчилик ишига яроқли;

учувчилик ишига яроқли, товушдан тез учадиган самолётлар бундан мустасно;

барча турдаги транспорт ва поршенли самолётлардаги учувчилик ишига яроқли;

барча турдаги вертолётлардаги учувчилик ишига яроқли;

ҳарбий таълим муассасасида (ҳарбий таълим муассасанинг ва жўнатилаётган давлатнинг номи кўрсатилсин) ўқишга (стажировкага) юбориш учун (киришга) яроқли;

ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариб, кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан (ТУК номи кўрсатилсин) учувчилик ишига вақтинчалик яроқсиз (муддати кўрсатилсин);

ҳарбий хизматга вақтинчалик яроқсиз. Кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан (ТУК номи кўрсатилсин) касаллик туфайли таътилга ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишга (муддат кўрсатилсин) муҳтож;

санаторий шароитида даволанишга муҳтож (санаторий ихтисослиги кўрсатилсин);

учувчилик ишига яроқсиз. Ҳарбий хизматга (яроқлилиқ тоифаси кўрсатилсин) яроқли (яроқсиз).

ТУК штурман ва учувчилар экипажининг бошқа аъзоларига нисбатан учувчилик ишига яроқлилиқ хулосасини қабул қилганида хулоса мазмунига тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг мутахассислиги номланиши киритилади.

61. Парашют билан сакрашга рухсат бериш учун тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларга нисбатан ТУК қуйидаги хулосани қабул қилади:

парашют билан сакрашга яроқли;

парашют билан сакрашга вақтинчалиқ яроқсиз, олти-ўн икки ойдан (муддати кўрсатилсин) кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан;

парашют билан сакрашга яроқсиз.

62. УУА операторлари, парвоз бошлиқларига нисбатан ТУК қуйидаги хулосаларни қабул қилади:

(мутахассислик номи кўрсатилсин) ишига яроқли;

кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан стационар (амбулатор) текширувга (даволанишга) муҳтож;

(мутахассислик номи кўрсатилсин) ишига яроқсиз. Ҳарбий хизматга (яроқлилиқ тоифаси кўрсатилсин) яроқли (яроқсиз).

63. Тиббий кўриқдан ўтказиш якунланганида ТУК раиси йиғилиш ўтказди, йиғилишда унинг якунлари тўғрисида муҳокама қилинади, унинг натижаларига кўра ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати ТУК дан ўтган учувчилар таркиби ва бошқа ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш ва юқори касбий қобилиятини ушлаб туриш бўйича даволаш-профилактика тадбирлар режасини тузади.

ТУК раиси ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғини) навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари тўғрисида хабардор қилади. ТУК раиси якуний натижалар бўйича учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида ҳар йили белгиланган шаклда ҳисобот тузади ва МХТК бошлиғига тақдим этади.

64. Ҳарбий хизматчиларни амбулатор шароитида тиббий кўриқдан ўтказишда ТУК га қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

учувчилик ишини (парвозни бошқариш, парашют билан сакраш) давом эттиришга монелиқ қилмайдиган ва яқка тартибда баҳолашни кўзда тутмайдиган соғлиғи ҳолатидаги ўзгаришларда ташхисни қўйиш;

соғлиғи тикланган ҳолатларда олдин қўйилган ташхисни ўзгартириш (агар яқка тартибда баҳолашни кўзда тутадиган Касалликлар жадвалининг моддалари (моддаларнинг бандлари) қўлланилмаган бўлса).

65. Учувчилар таркибини навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказиш, аввалги ТУК хулосасига аниқлиқ киритиш ёки қайта кўриб чиқиш талаб қилинган ҳолатларда МХКГ нинг учувчилик экспертизаси бўлимида стационар шароитда ўтказилади:

соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар бўлса;

парвоздаги ҳодисалардан кейин;

учиш аппаратини мажбуран тарк этгандан сўнг;

руҳий зарбалардан кейин;

ўқув-жанговар тайёргарлик вазифаларини мунтазам равишда бажара олмаса;

учувчилик ишида ўн икки ойдан кўп узилиш бўлганида;

учувчилар таркибини бошқа турдаги учуш аппаратларига ўтказишганда, уларда ишлаш учун соғлиғи ҳолатига янада юқори тиббий талаблар қўйилади;

янги авиация техникасини ўзлаштириш учун қайта ўқиганда.

Учувчилик ишида соғлиғи ҳолати бўйича вақтинчалик учувчилик ишига яроқсизлик билан боғлиқ бўлмаган тўрт ойдан ортиқ, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган узилишларда навбатдан ташқари чуқурлаштирилган тиббий текширув ўтказилади.

Навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказиш учун юбориш зарурати тўғрисидаги масалани ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғининг билдирувига кўра ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) ҳал қилади.

66. МХКГнинг учувчилик экспертизаси бўлимида тиббий кўрикдан ўтказилганда учувчилар таркиби амалдаги кўрсатмалар ва текширув усулларига мувофиқ шифокор-мутахассислар томонидан ҳар томонлама синчиклаб текширилади, клиник-физиологик ва психологик текширувлардан ўтказилади, қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, махсус тиббий текширув усуллари ҳам ўтказилади. Тиббий текширувлар яқунланганда МХКГнинг учувчилик экспертизаси бўлими бошлиғи учувчилар таркибини госпиталь ТУКига тақдим этади, улар хулоса чиқаради ва тиббий кўрикдан ўтаётган шахсларга зарурий даволаш-профилактика тавсиялари билан биргаликда етказилади.

Тиббий кўрикдан ўтаётган шахс мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишдан бош тортса, тиббий текширувлар тўхтатилади ва ҳарбий хизматчи ҳарбий қисмга (муассасага) чиқарилади. Тиббиёт китобчасининг «ТУК хулосаси» бўлимига қуйидаги қайдлар ёзилади: «Мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишдан бош тортганлиги сабабли ТУК нинг тиббий кўрикдан ўтказилмасдан ҳарбий қисмга чиқарилди».

67. Стационар даволанишда бўлган учувчилар таркиби фақатгина соғлиғи ҳолати бўйича учувчилик ишига яроқлилик тоифасини ўзгартириш зарурати туғилганида (шу жумладан вақтинчаликни ҳам) ТУКда тиббий кўрикдан ўтказилади. Агар бошидан кечирган касаллик ТУК хулосасини ўзгартиришни талаб этмаса, учувчилар таркиби ТУКдан ўтказилмасдан госпиталдан ҳарбий қисмга юборилади. Бундай ҳолларда МХКГнинг учувчилик экспертизаси бўлими бошлиғи тиббиёт китобчасига учувчи бошидан кечирган касаллик охириги ТУК хулосасига мувофиқ учувчилик ишини давом эттиришга монелик қилмаслиги тўғрисидаги қайдларни ёзади.

68. Учувчилик ишига яроқсиз деб топилган, бироқ ҳарбий хизматга яроқли ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кадрлар резервида қолдирилган учувчилар таркибидаги шахслар ҳисобга олинади ҳамда ҳарбий қисм (муассаса) шифокорининг тиббий кузатуви остида бўлади. Соғлиғи ҳолати яхшиланганда, ушбу шахслар учувчилик ишига тикланиш

мақсадида МХТК раиси билан келишилган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказиш учун ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) томонидан юборилиши мумкин, бироқ учувчилик ишига яроқсизлиги тўғрисидаги хулоса чиқарилганидан кейин камида бир йилдан олдин эмас. Бундай шахсларни тиклаш тўғрисидаги ТУК хулосаси фақатгина стационар текширувлардан кейин чиқарилади.

69. Соғлиғи ҳолати билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра учувчилик иши билан боғлиқ бўлмаган лавозимларга ўтказилган учувчилар таркибидаги шахслар, ТУК томонидан қуруқликдаги таркиб сифатида тиббий кўриқдан ўтказилади. Кўрсатилган шахсларни учувчилик ишига қайтадан ўтказишда улар стационар шароитларда ТУКда тиббий кўриқдан ўтказилишлари шарт.

### **5-боб. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резерви ва захирасида бўлган учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш**

70. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резерви ва захирасида бўлган учувчи ва штурманларнинг ҳисобини юритиш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказиш қўйидаги муддатларда амалга оширилади: 5 йил давомида бир марта; ҳарбий ўқув йиғинларига чақиришдан олдин; соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар юз берганида. Учувчилар экипажининг бошқа аъзоларини фақатгина соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар юз берганида тиббий кўриқдан ўтказилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резерви ва захирасида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ, шунингдек учувчилик иши кўзда тутилган бошқа вазирлик ва идораларда учувчилик ишида бўлган учувчи ва штурманларнинг ҳисобини юритиш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказиш учун юборилмайди. МИББ ушбу шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун белгиланган муддатларда уларнинг иш жойларининг тиббий учувчилик эксперт комиссияларидан шахсий йиғмажилдларига қўшиш учун тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги маълумотномани сўраб олади.

72. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резерви ва захирасида бўлган учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш:

ҳарбий ўқув йиғинларига чақиришда;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилганида;

контракт бўйича ҳарбий хизматга тайинланганида.

73. Ҳарбий ўқув йиғинларига чақирилганда, шунингдек учувчилик ишига яроқлилигини аниқлаш учун ҳисобни юритиш мақсадида МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар, тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида эса — МХТК ёки МХКГ ҳузуридаги ТУК томонидан амалга оширилади.

74. МИБ ҳузуридаги тиббий комиссия ишини бошлашдан олдин комиссия катта шифокори комиссия аъзолари билан йўриқнома ўтказилади. Олдиндан тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларнинг ҳужжатлари (олдинги тиббий

кўриқдан ўтказиш натижалари, захирага бўшатилиш сабаблари, амбулатор беморнинг тиббий варақасини қўшимча тикилган варақалари билан) кўриб чиқилади.

75. Барча тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларга комиссия шифокор-мутахассислари томонидан тиббий кўриқ, мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган мажбурий лаборатор-инструментал текширувлар рўйхатига мувофиқ диагностик текширувлари амалга оширилади. Зарурат туғилганда бошқа тиббий текширувлар ҳам ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари ва тиббий комиссиянинг шифокор-мутахассислари ўз хулосаларини мазкур Низомнинг 9-иловасига\* мувофиқ ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбур шахсининг) тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига ёзиб қўйишади. Хулоса тиббий комиссиянинг йиғилишида қабул қилинади ва комиссия раиси томонидан мазкур тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига киритилади.

Мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбур шахсининг) тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси ҳарбий хизматга мажбур шахсининг шахсий йиғмажилди билан биргаликда МИББ да сақланади ва йиғинларга чақирилганда ҳарбий қисмга (муассасага) тақдим этилади.

76. Ташхис қўйиш мураккаб бўлган ҳолатларда тиббий кўриқдан ўтаётган шахс стационар шароитда кенг камровли тиббий текширувдан ўтказилади, унинг якунида давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаси мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ соғлиқ ҳолатини текшириш тўғрисидаги далолатномани тузади, унда текширув натижалари ва ташхис кўрсатилади. Далолатнома икки нусхада тиббий кўриқдан ўтаётган шахсининг учувчилар ишига яроқлилиги тўғрисида хулосани қабул қилиш учун МХТКга юборилади. Хулоса қабул қилинганидан сўнг ташхис ва МХТК хулосасини кўрсатган ҳолда мазкур Низомнинг 10-иловасига\* мувофиқ маълумотнома расмийлаштирилади. Мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ соғлиқ ҳолатини текшириш тўғрисидаги далолатноманинг биринчи нусхаси ва МХТК берган маълумотнома тиббий кўриқдан ўтаётган шахс ҳарбий ҳисобга олинган МИББ га жўнатилади. Иккинчи нусхаси МХТК иш жилдига тикиб қўйилади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган офицерлар таркибидаги шахслар стационар шароитида тиббий текширув ўтказиш зарур бўлганда МХТК раисининг қарори билан МХКГ хузуридаги ТУКга юборилади. Учувчилик ишига монелик қилувчи касаллик аниқланганида, тиббий текширув натижалари, ташхис ва комиссия хулосаси мазкур Низомнинг 11-иловасига\* мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳномага киритилади. Касалликлар аниқланмаганида ёки касаллик учувчилик ишига монелик қилмаганда тиббий кўриқ натижалари мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотнома билан расмийлаштирилади. Аниқланган касалликлар ва шикастланишлар (яраланиш, жароҳатлар) оқибатларининг сабабий боғлиқлиги эксперт ҳужжатла-

---

\* 9 — 11-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рида акс эттирилмайди. Мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотнома уч нусхада расмийлаштирилади ва кўриб чиқиш учун МХТКга юборилади.

77. Агар учувчилар таркибидаги резерв ёки захирадаги ҳарбий хизматга мажбур шахслар муддатли ҳарбий хизматга, ўқув йиғинига чақириладиёки, контракт бўйича ҳарбий хизматга тайинланаётганда ёки ҳисобга олиш мақсадида навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказилаётганида даволанишга муҳтожлигини билдирса, (даволаниш учун чақирувини кечиктиришни) сўраб мурожаат қилса, МИБ тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари уни давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасасига юборди.

### **6-боб. ТУК хулосаларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

78. Тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлари, уларнинг соғлиғи ҳолати ва ТУК хулосалари ёзилади:

а) УТТ ХТМга ўқишга кирувчи номзодларга:

ёш фуқаролар таркибидан номзодлар — мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига, мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ соғлиқ ҳолатини текшириш тўғрисидаги далолатномасига;

ҳарбий хизматчилар — мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига ва ҳарбий хизматчининг тиббий китобчасига;

б) учувчилар таркиби, учувчилар экипажининг бошқа аъзолари, парашютчилар, УУА операторлари, парвоз бошқарувчилари — мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига, стационар шароитда тиббий кўрикдан ўтказилганда касаллик тарихига, амбулатор шароитда тиббий кўрикдан ўтказилганда мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбур шахснинг) тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига, тиббий китобчасига, зарурат туғилганда мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномага ёки мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳномага Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқаётган фуқароларга — мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) чиқаётган шахснинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотномага;

в) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида турган учувчилар таркиби мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик

комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобига, мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбур шахсининг) тиббий текширувлар ва тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига, зарурат туғилганда мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномага ёки мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ соғлиғи ҳолатини текшириш далолатномасига, захирадаги офицерларга эса мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳнома тузилади.

79. Тиббий китобчани (тиббий кўриқдан ўтаётган шахсининг тиббий кўриқдан ўтказиш варақани) тўлдиришда шифокор-мутахассислар шикоятлар, анамнез, объектив текширув маълумотлари, ташхис, тавсиялар ва учувчилик ишига яроқлилик тоифаси ҳақидаги хулосаларни ёзиши лозим. Касаллик топилмаса ТУК шифокор-мутахассиси «Ташхис» қаторига — СОФ-ЛОМ деб ёзади, хулоса чиқаради ва ўз имзосини қўяди. Ташхис ва тавсия қилинган даволаш-профилактика тадбирлари кўрсатилган ҳолда ТУК хулосаси тиббий китобчага (тиббий кўриқдан ўтказиш варақага) ҳам киритилади, ТУК раиси томонидан имзоланади ва ТУК ташкил этилган ҳарбий қисмининг (муассаса) муҳри босилади.

Ҳарбий госпиталь ТУК томонидан тиббий кўриқдан ўтказилганда хулоса тиббий китобчага уни тасдиқлаш зарур бўлмаган ҳолатларда киритилади. МХТК томонидан тасдиқланиши (асосланиши) лозим бўлган хулоса ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган ёки асосланган эксперт хужжатини олган заҳоти ёзилади. Тасдиқланган (асосланган) эксперт хужжати олингунга қадар учувчилар таркиби парвозларга қўйилмайди.

Ҳарбий тиббий муассасасидан даволаниб чиққанда ҳар қандай ҳолатда тиббий китобчага шифокор-мутахассислар томонидан ўтказилган тиббий текширув натижалари ва ўтказилган текширувлар (ЭКГ ва унинг барча элементлари баён этилган ҳолда, рентген, лаборатория текширувлари ва х. к.) киритилиши шарт.

80. Учувчилар таркибини битта ҳарбий қисмдан (муассасадан) бошқасига ўтказилганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига, ХТМ ҳузуридаги малака ошириш факультетларига ёки ҳарбий тиббий муассасасига ўқишга юборилганда тиббий китобчалари муҳрланган ҳолда қўлларига топширилади.

Қисқа муддатли хизмат сафарларига кетаётган учувчилар таркибининг қўлларига мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотнома берилади, у хизмат сафаридида учувчилик ишига рухсат этилиши учун асос бўла олади. Мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномада сўнгги ТУК ва чуқурлаштирилган тиббий текширув маълумотларига мувофиқ қон босими ва томир уришининг сони тўғрисидаги фонли маълумотлари, таътил муддати кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан бўшатилаётган учувчилар таркибининг тиббиёт китобчалари шахсий йиғмажилдлари билан биргаликда яшаш жойи бўйича ҳарбий ҳисобга олинган МИББга юборилади.

81. Ҳар бир ТУК мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учув-

чилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобини юритади. Агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг шикоятлари ва соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар бўлмаса, ташхис ва ТУК хулосаси қисқача ёзиб қўйилади. Объектив текширувларда шикоятлар ва соғлиғи ҳолатида меъёрга нисбатан ўзгаришлар аниқланса, агар мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобида мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳнома тузилмаса, қўйилган ташхисни асословчи шикоятлари, ҳаёти ва касаллигининг қисқача тарихи ва тиббий текширув маълумотлари ёзиб қўйилади. Мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобида мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳнома тузиладиган ҳолатларда фақатгина қисқача маълумотлар, ташхис ва ТУК хулосаси ёзилади, баённомага илова сифатида мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси қолдирилади.

82. Мазкур низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллиги тўғрисидаги гувоҳнома қуйидагича тузилади:

учувчилик ишига яроқсиз деб топилган ҳарбий хизматчиларга (учувчилик таълими, парашют билан сакраш, УУА оператор иши, парвозларни бошқариш);

олдин учувчилик ишига яроқсиз деб топилганлар таркибидан учувчилик ишига тикланаётган бирламчи чекланган равишда яроқли деб топилганларга;

олдин учувчилик ишига чекланишлар берилган хулосалари ечилган учувчилар ва штурманларга;

олдин учувчилик ишига яроқсиз деб топилган учувчилар таркибига; учувчилик ишига олдин яроқсиз деб топилган ҳарбий хизматга мажбурлар резерви учувчилик ишига тикланаётганда;

УТТ ХТМ курсантларига — учувчилик таълимига яроқсизлиги тўғрисида хулоса чиқарилганда.

Барча бошқа ҳолатларда ТУК хулосалари мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотнома билан расмийлаштирилади.

83. Мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома қисқа, раvon шаклда тузилиши, тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг касаллиги ривожланишини вақт кетма-кетлиги тартибида ёзилиши, ҳаёти анамнезида жароҳатлари бўлган бўлса, тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда жароҳатни қандай ҳолатда олганлиги ҳақида қисқача, шунингдек қўйилган ташхисни тасдиқловчи барча зарурий тиббий текширувлар кўрсатилиши шарт. ТУК хулосаси объектив текширув, лаборатор-инструментал ва махсус-тиббий текширувлар натижалари билан асосланган бўлиши лозим.

Мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ва мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномани тузишда касаллик, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатларнинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республи-

каси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади. Ҳарбий хизматга мажбур бўлган учувчилар таркибига (шу жумладан ўқув йиғинларида бўлган даврларида ҳам) ва соғлом деб топилган шахсларга сабабий боғлиқлиги бўйича хулоса чиқарилмайди.

84. Учувчилик ишига яроқли, бироқ парашют билан сакраш бўйича ўқув-машғулотларига (ерга катапульта ёрдамида) яроқсиз деб топилган учувчилар таркибига касаллик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга юборилаётган ҳарбий хизматчилар таркибидан бўлган учувчилар таркибига (УТТ ХТМ курсантлари, парашютчилар ва УУА операторлари) мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган шахснинг соғлиғи ҳолати ҳақидаги маълумотнома тузилади.

Парвозлардан ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш билан озод қилиниши ёки ҳарбий қисм ҳудудида етти суткагача дам олиш тақдим этилиши билан учувчилик ишига вақтинчалик яроқсизлик тўғрисидаги хулоса чиқарилганда мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотнома берилади.

85. Тиббий ва эксперт ҳужжатларини МХТК томонидан кўриб чиқиши ва назорат қилиниши учун тақдим этиш тартиби:

учувчилик таълимига яроқсиз деб топилган УТТ ХТМга ўқишга кираётган номзодларга УТТ ХТМ ҳузуридаги ТУК мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш варақаларини МХТКга тақдим этади;

учувчилик иши ёки учувчилик таълимига яроқсиз, учувчилик ишига чекланган равишда яроқли (бирламчи чекланганда), парвозларни бошқаришга (УУА оператори) яроқсизлиги тўғрисидаги ТУК хулосаси чиқарилганида мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома уч нусхада тиббий ва хизмат тавсияномалари билан биргаликда тақдим этилади;

барча учувчилар таркиби, парашютчилар, парвозларни бошқариш, УУА операторлари ва УТТ ХТМ курсантларига касаллиги туфайли таътил берилганлиги ва парвозлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги хулоса чиқарилганда ТУК МХТКга назорат қилиш мақсадида мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотноманинг бир нусхасини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган ҳарбий хизматчиларга мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) чиқаётган шахснинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси уч нусхада тақдим этилади.

Мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома МХТК томонидан кўриб чиқилади, ТУК хулосаси эса тасдиқланади. ТУК хулосалари муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган, контракт бўйи-

ча ҳарбий хизматга тайинланаётган, учувчилик ишига яроқли деб топилган ҳарбий хизматга мажбур резервдаги учувчилар таркибига, касаллиги туфайли таътил берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (стажировкага) юборилаётган барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларга асосланиши зарур, шунингдек учувчилик иши, учувчилик таълими, парвозлар бошқаруви, УУА операторлари ишига яроқсиз, учувчилик ишига чекланган равишда яроқли деб топилган ҳарбий хизматчиларга эса МХТК томонидан тасдиқланиши лозим.

Ҳарбий госпиталь ТУК томонидан мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ва мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномани расмийлаштириш муддати тиббий кўрикдан ўтказиш кунидан беш кундан ошмаслиги лозим.

Эксперт ҳужжатлари (касаллик тўғрисидаги гувоҳнома ва маълумотномалари) МХТК томонидан тасдиқланганидан (асосланганидан) сўнг юридик кучга эга бўлади.

Ҳарбий тиббий муассаса бошлиғи (ТУК раиси) мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ касаллик тўғрисидаги гувоҳномани, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ маълумотномани, мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) чиқаётган шахснинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотномани тасдиқланган (асосланган) хулоса билан биргаликда тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғига) ёки уни тиббий кўрикдан ўтказиш учун юборган мансабдор шахсга МХТКдан олган кундан сўнг икки кундан кечиктирмасдан жўнатади.

86. УТТ ҲТМ ҳузуридаги ТУК фақатгина учувчилик таълимига ва УТТ ҲТМга ўқишга киришга яроқсиз деб топилган шахслар учун мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобини юритади. Бошқа ҳолатларда ТУК хулосаси мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига кираётган шахснинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига, унинг тиббий китобчасига (УТТ ҲТМга ўқишга кирувчи номзодларнинг — тиббий кўрикдан ўтказиш варақаларига) ёзилади, комиссия раиси ва котибининг имзоси билан тасдиқланади, УТТ ҲТМ муҳри билан муҳрланади.

87. МХТК мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ тиббий-учувчилик комиссиясининг йиғилишлар баённомалари китобини фақатгина шу комиссия томонидан тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар учун юритилади. МХТК га келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиб:

учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кираётган шахслар мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ яроқсиз деб топилган номзодларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақаларини, уларга ТУК хулосаси ёзилган ҳолда дастлабки саралаш жойлари бўйича тиббий комиссияларга (ХТК, ТУКга);

ТУКнинг тасдиқланган касаллик тўғрисидаги гувоҳномалари ва асослан-

ган маълумотномалари бошқа ҳужжатлар билан бирга тиббий кўриқдан ўтказган ТУК га қайтариб юборилади.

МХТК тасдиқламаган касаллик тўғрисидаги гувоҳномани уни тузган ТУК га тасдиқланмаганлигининг сабабларини изоҳлаган ҳолда ҳамда зарурий кўрсатмалар билан қайтаради.

МХТК га хулосани назорат қилиш, тасдиқлаш ёки қайта кўриб чиқиш учун тақдим этилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотномаларни кўриб чиқишда баённома ўрнига якуний хулоса матни, йиғилишда иштирок этган комиссия раиси ва аъзолари (камида икки киши) томонидан имзоланган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотномаларнинг нусхалари қолдирилади. Юқорида кўрсатилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотномаларнинг нусхалари МХТК да беш йил давомида сақланади, ундан сўнг архивга топширилади.

88. ТУК нинг касаллик тўғрисидаги гувоҳномалари, маълумотномалари ўзида махфий маълумотларни сақламаслиги зарур ва улар махфий илова қилинувчи ҳужжатга номахфий илова сифатида жўнатилади, унда қуйидагилар кўрсатилади: касаллик тўғрисидаги гувоҳнома қайтарилиши лозим бўлган ҳарбий қисм (муассаса) манзили почта индекси, авиация тури, тиббий кўриқдан ўтаётган шахсни парвозларни амалга ошираётган учиш аппаратининг тури, учувчининг мутахассислиги, лавозими ва берилган малака тоифаси.

#### **7-боб. Комиссиялараро даврида учувчилар таркиби соғлиғи ҳолатининг тиббий назоратини ташкиллаштириш**

89. Тиббий кўриқдан ўтказишлар оралиғда (комиссиялараро даврда) учувчилар таркиби устидан тиббий назорат учувчилик ишининг бутун даври давомида амалга оширилади.

Комиссиялараро даврида учувчилар таркибининг (УТТ ХТМ курсантларининг) ва бошқа ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ривожланганлиги ҳамда рухий физиологик тайёргарлиги устидан тиббий назорат ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғининг зиммасига юклатилади.

Тиббий назорат вазифаларига қуйидагилар киради:

учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолати ва иш қобилиятидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, ушбу ўзгаришларни касбий фаолият билан боғлиқлигини аниқлаш ва керакли даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўтказиш;

учувчилар таркибининг соғлиғи ҳолати ва иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни бартараф қилиш чораларини қабул қилиш;

учувчилар таркибининг ўзига хос шахсий психологик-физиологик хусусиятларини ўрганиш;

учувчилар таркиби, учувчилар экипажи бошқа аъзоларининг нотўғри ҳаракатларининг сабабларини ўрганиш;

иш қобилиятининг пасайиши оқибатидаги хатоликларни аниқлаш;  
шахсий юклама меъёрларини белгилашда қўмондонликка амалий ёрдам  
кўрсатиш мақсадида ҳарбий хизматчиларнинг турли парвозларга чидамли-  
лигини ўрганиш;

меҳнат қилиш, дам олиш ва овқатланишни ташкиллаштиришни ўрганиш.

90. Тиббий назорат жараёнида ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизма-  
ти бошлиғи якка тартибда баҳолаш, учувчилик ишига чекланган равишда  
яроқлилиги, мунтазам равишда шифокор назоратига муҳтож деган хулоса-  
лари кўзда тутилган Касалликлар жадвалининг моддалари (моддаларининг  
бандлари) бўйича учувчилик ишига рухсат этилган ҳарбий хизматчиларга  
алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ушбу ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтказишларнинг даврийлиги ҳарбий  
қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан белгиланади, бироқ  
чорақда бир мартадан кам эмас.

Тиббий кўрик натижаларини тиббий китобчага ёзганида ҳарбий қисм  
(муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғи қуйидагиларни акс этади:

шикоятлар;

кўриклар орасида бошидан ўтказган касалликлар;

парвозларга чидамлилиги;

кўрикнинг объектив маълумотлари.

Соғлиғи ҳолатида ўзгаришлар бўлмаса парвозларга рухсат этиш ҳақида-  
ги хулоса чиқарилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмга (муассасага) таътил, хизмат сафари  
ва ҳарбий тиббий муассасасидан (ҳарбий госпиталь, санаторий) даволаниш-  
дан қайтганидан сўнг тиббий кўрикдан ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

Янги авиация техникасини қайта ўрганаётган ва ҳарбий қисмга (муас-  
сасага) янги келган учувчилар таркиби биринчи уч ойда ҳарбий қисм (муас-  
саса) тиббиёт хизмати бошлиғининг ҳар ойда ўтказиладиган тиббий кўрик-  
дан ўтказилади.

Даврий тиббий кўрик натижалари тиббий китобчаларга киритилади.

Учувчилар таркиби бошидан ўтказган касаллик ва шкастланишлардан  
сўнг соғайганида учувчилик иши (учувчилик таълими, УУА бошқаруви, па-  
рашют билан сакраш ва парвозларни бошқариш) учун рухсат бериш бўйи-  
ча тахминий муддатлари мазкур Низомнинг 12-иловасида\* кўрсатилган.

91. Навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказиш санасидан олти ой ўтганидан  
сўнг барча ҳарбий хизматчиларга терапевт ва невропатолог, тиббий кўрсат-  
малар бўйича эса бошқа мутахассисликлар шифокорлари иштирокида чу-  
қурлаштирилган тиббий текширув амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўти-  
шига оғиз бўшлиғи санациясидан кейин рухсат берилади. Чуқурлаштирил-  
ган тиббий текширув натижаларига кўра ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт  
хизмати бошлиғи ҳарбий хизматчиларнинг учувчилик ишига рухсат этиш  
ҳақида хулоса чиқаради.

92. УТТ ХТМ курсантлари УТТ ХТМ ҳузуридаги ТУК ўтказган бир-

---

\* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ламчи тиббий кўриқдан ўтказиш санасидан уч ой ўтгандан сўнг терапевт, невропатолог, жаррох, оториноларинголог, офтальмолог ва стоматолог иштирокидаги тиббий текширувдан ўтказилади. Кейинчалик тиббий текширувлар УТТ ХТМ тиббиёт хизмати бошлиғи томонидан ҳар чорақда ўтказилади.

93. Парвоз вақтида жиддий ходисаларга учраган учувчилар таркиби ва УТТ ХТМ курсантлари навбатдан ташқари чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилиши лозим, зарурат туғилганда кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан стационар шароитида даволанишга юборилади.

94. Ўн икки ой мобайнида асосий таътидан фойдаланмаган учувчилар, штурманлар парвозлардан четлаштирилади ҳамда санаторийга етти ва ундан ортиқ суткага юборилади, кейинги икки ойдан кўп бўлмаган муддатга парвозларга рухсат берилади. Ушбу муддат тугаганида ҳарбий хизматчиларга жорий йилнинг асосий таътили берилади.

95. Ҳарбий қисм (муассаса) тиббиёт хизмати бошлиғининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш, касалланиш ва учувчилар таркибини ҳамда УТТ ХТМ курсантларининг касбига лаёқатсизлик сабабларини ўрганиш, учувчилар таркибининг меҳнат шароитлари, турмуш тарзи, дам олиш ва овқатланиш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг соғлиғини сақлаш ва комиссиялараро даврида иш қобилиятини ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ишини услубий бошқариш МХТК ва ХХМК ва ХХК АТМ шифокор-мутахассислари томонидан амалга оширилади.

### **8-боб. Яқуний қоидалар**

96. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

97. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

*Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси*

**А. АЗИЗОВ**

*2019 йил 16 декабрь*

*Миллий гвардия қўмондони*

**Б. ТАШМАТОВ**

*2019 йил 17 декабрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ШАДМАНОВ**

*2019 йил 18 декабрь*

*Ички ишлар вазири*

*П. БОБОЖОНОВ*

*2019 йил 19 декабрь*

*Фавқулодда*

*вазиятлар вазири в. б.*

*Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ*

*2019 йил 19 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**44 Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири-лиги ва Молия вазирилиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ҳамда Молия вазирилигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон қарори (рўйхат рақами 2993, 2018 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 апрель., 14-сон, 290-модда) билан тасдиқланган Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 январь,  
1-2020-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 январь,  
2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва  
Молия вазирлигининг 2020 йил 17 январдаги  
1-2020 ва 2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни  
ташқил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун  
ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 11-банддаги «кунлик муддатда» деган сўзлар «иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2020 йил 25 январдан 31 январгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019, 18-қ/қ-сон «Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 20 январдаги 1, 2020-1-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2020 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1750-4.***

3. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 09/ЮБ-50-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2020 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-3.***

4. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 20 январдаги 2020-02-сон «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2020 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968-2.***

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош про-

куратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 23 декабрдаги 206-мх, 29-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардиясининг 2019 йил 30 декабрдаги 46, 105, 36, 39, 35-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3215.**

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 30 декабрдаги 45, 104, 38-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2914-1.**

8. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 1236-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3216.**

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 17 январдаги 1-2020, 2-сон «Академик лицейларда имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилиш ҳамда харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2020 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2993-1.**

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазир-

лигининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1836, 2008 йил 14 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1836-1, 2014 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 1836-2, 2016 йил 9 сентябрь).

*Адлия вазирининг 2020 йил 27 январдаги 20-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1968, 2009 йил 12 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1968-1, 2013 йил 27 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2020 йил 29 январдаги 24-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2914, 2017 йил 22 август).

*Адлия вазирининг 2020 йил 31 январдаги 28-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**